Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 20 (9256). ● 1988 йил 28 январь ● пайшанба ● Баҳоси 3 тийин.

СССР Олий Совети Президиумида

СССР Олий Совети Президиумида СССР билан АҚШ ўртасида ўзларининг ўртача олислик ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисида 1987 йил 8 декабрда Вашингтонда олий даражада ўтказилган учрашув вақтида имзоланган Шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги масала муҳокама қилина бошланди.

СССР Конституциясига мувофиқ, халқаро шартномаларни ратификация қилиш СССР Олий Советининг Президиуми зиммасига юклатилган. Президиум СССР Министрлар Совети ратификация қилиш учун тақдим этган СССРнинг халқаро шартномаларини муҳокама қилиб, тегишли қарорлар чиқаради. Энг муҳим ҳолатларда СССР Олий Совети Президиумининг топшириғига биноан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг ташқи ишлар комиссиялари ратификация қилиш учун тақдим этилган СССРнинг халқаро шартномаларини дастлабки тартибда кўриб чиқиб, тегишли хулосалар берадилар.

СССР билан АҚШ ўртасида ўзларининг ўртача олислик ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги Шартнома СССР Министрлар Совети томонидан ратификация қилиш учун тақдим этилганлиги муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми 1988 йил 25 январда қарор қабул қилди.

Қарорда қайд этилишича, Совет Иттифоқи, социалистик мамлакатларнинг саботли куч-ғайратлари туфайли, бошқа тинчликсевар кучларнинг актив мадади билан СССР ва АҚШ раҳбарлари ўртасидаги интенсив мулоқот, шу жумладан, олий даражадаги учта Совет — Америка учрашуви ҳамда қизғин дипломатик музокаралар натижасида инсоният эндиликда ядро уруши хавфининг кучайиши билан планетамизни қуролсизлантириш ўртасидаги чегарага етиб келди.

1987 йил 8 декабрь куни КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев билан АҚШ Президенти Р. Рейган имзолаган СССР билан АҚШ ўртасида ўзларининг ўртача олислик ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги Шартнома ядро қуролисиз дунёни барпо этишни амалий равишда бошлаб бермоғи лозим. Дунёда биринчи марта СССР билан АҚШнинг ракета-ядро қуроллари икки туркумини қатъий контрол чоралари шарти билан реал равишда йўқ қилиб ташлаш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушади, жаҳон миқёсидаги хавфсизлик даражасини оширади.

СССР Олий Совети Президиуми, деб таъкидланади қарорда, қуролсизланиш йўлидаги мана шу ва кейинги амалий қадамларни кутиб турган жаҳон аҳли олдидаги юксак масъулиятни англашга асосланиб, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида ўзларининг ўртача олислик ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисида имзоланган ва СССР Министрлар Совети томонидан ратификация қилиш учун тақдим этилган Шартномани зўр диққат-эътибор билан кўриб чиқади.

СССР Олий Совети Президиуми СССР Министрлар Совети ратификация қилиш учун тақдим этган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги ўз ўртача олислик ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисида 1987 йил 8 декабрь куни Вашингтонда имзоланган Шартномани СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети ташқи ишлар комиссияларига Шартноманинг барча жиҳатларини ва унга тааллуқли ҳужжатларни мазкур Шартнома хусусида билдирилган нуқтаи назарларни, шу жумладан, экспертларнинг мулоҳазаларини, совет жамоатчилигининг фикрларини эътиборга олиб, дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тегишли хулоса тайёрлаш учун топширишга қарор қилди.

Шундан кейин СССР Олий Совети Президиуми комиссияларнинг хулосаларини эътиборга олиб, Шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги масалани ўз мажлисида кўриб чиқади, бу мажлиснинг қачон ўтказилиши қўшимча равишда белгиланади.

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига

ЮКСАК МАЖБУРИЯТЛАР ОЛДИЛАР

«Лаззат» кондитер ишлаб чиқариш бирлашмасида Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақасига қўшилаётганлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Айрим коллективлар ва ишчи-хизматчилар юксак меҳнат марраларини белгиламоқдалар.

Бирлашмада мамлакатимиз коммунистларининг бу катта анжумани шарафига бошланган социалистик мусобақанинг ташаббускорларидан бири Султонова раҳбарлигидаги бригада бўлди. Коллектив доим вақтдан ўзиб ишламоқда. Ҳозир ҳам графикдагидан деярли беш ой илгарилаб кетган. Бригада аъзолари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб конференция очиладиган кунгача уч йиллик топшириқни бажаришга ахд қилдилар.

БИНОКОРЛАР ШИОРИ

Чирчиқ шаҳрида барпо этилаётган кўпчилик саноат объектлари қурилишига 307-механизациялашган кўчма колонна коллективининг ҳам меҳнати сингган. Бинокорлар кейинги йилларда Ўзбекистон иссиққа чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинатининг янги ишлаб чиқариш қувватларини бунёд этишда қатнашмоқдалар. Шуниси таҳсинга сазоворки, улар ўз зиммаларига юклатилган барча вазифаларни тўла ва ошириб бажаришяпти.

Колонна коллективи ўтган хўжалик йилини ҳам яхши якунлади. Барча объектларда ўз зиммасига юклатилган вазифаларни муддатида бажардилар. Қўшимча 47 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишди. Ўзларининг кучлари билан эса пландан ташқари ўзлаштирган маблағ ҳажми салкам 20 минг сўмни ташкил этди. Айниқса, меҳнат унумдорлигини оширишда юқори кўрсаткичга эришилди. Мавжуд асбоб-ускуналардан, иш вақтидан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш интизомига қатъий амал этиш туфайли ҳар бир бинокорнинг меҳнати унуми пландагига нисбатан 9,1 процент ортиқ бўлди.

Коллектив эришган бундай ютуқларнинг бош омили пудрат усулидир. Уни ишлаб чиқаришнинг барча бўлинмаларда қўлланиш ҳар бир бинокорнинг ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлигини кескин ошириб. Шу туфайли ҳам ҳозирги вақтда бошқармада барча қурувчилар ишлаб чиқариш нормаларини тўла ва ошириб бажармоқдалар. Шу кунларда улар Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига социалистик мусобақани авж олдириб юбордилар. «Барча объектларни вақтида ва барвақт фойдаланишга топширамиз»— бинокорлар шундай шиор остида ишламоқдалар.

М. МАҲМУДОВ.

«АЪЛО» БАҲОГА

Ангрен шаҳарсозлик бошқармасининг қурувчилари янги, тез қад кўтараётган микрорайонда 320 ўринли болалар боғчасини «аъло» баҳо билан фойдаланишга топширдилар. Бу ерда А. Нурматов бошлиқ монтажчилар бригадаси билан Г. Миронова бошлиқ пардозчилар бригадаси жуда яхши меҳнат қилдилар. Болалар боғчасида кенг хобхона ва ўйин хоналари, ҳовлида эса митти уйлар ва болаларнинг севимли эртакларидаги қаҳрамонлар расмлари туширилган ўйин шаҳарчаси бор.

(ЎзТАГ).



Янгийўл пахта тозалаш заводи ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йилини ҳам муваффақиятли бошлади. Давлат планлари кун сайин ошириб адо этилмоқда. Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига бошланган социалистик мусобақанинг кенг авж олиши ҳам коллектив ютуқларининг салмоқли бўлишига ёрдам бермоқда. Бу ватанпарварлик ҳаракатида иштирок этаётган Қамбар Сандбеков раҳбарлигидаги бригада меҳнат беллашувида пешқадамлик қилмоқда. Суратларда: Қ. Сандбеков (ўртада) раҳбарлигидаги бригада аъзолари; Тола чигитдан ажратиладиган жин цехи (пастда чапда); маркировкачи А. Журсинбоева пахта тойларини жўнатишга тайёрламоқда.

А. ЗУФАРОВ фотолари.

БОЙ БЕРИЛГАН ИМКОНИЯТЛАР

МАНА бир хўжалик йили якунланди. Ғалвир сувдан кўтарилди. 1987 йилда колхозимизда нималарга эришилди-ю, нималар бой берилди. Ҳозир ана шуларни таҳлил этяпмиз.

Ўтган йили ишлаб чиқаришнинг кўпгина соҳаларида йиллик план ва топшириқларни бажардик. Жумладан, чорвачиликдаги ишларимиз анча салмоқли бўлди. Давлатга гўшт, сут ва тухум сотиш плани ошириб адо этилди. Ҳар бош соғин сигирдан 3000 килограммдан сут соғиб олдик. Умуман, колхозимизда 15 турдан ортиқ маҳсулот етиштириладиган бўлса, буларнинг барчасидан баракали хирмон уйилди.

Афсуски, асосий тармоқ бўлган пахтачиликдаги ишларимиз кўнгилдагидек бўлмади. Йиллик планни уддалай олмадик. Давлатдан 500 тонна хом ашё қарздор бўлиб қолдик. Бугун ишларни таҳлил этар эканмиз, бунинг асосий сабаблари аниқланмоқда. Аввало очиғини айтиш керак, 1987 йилги мураккаб келган об-ҳаво шароитида пахтадан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришга тажриба ва маҳоратимиз етишмади. Йиғим-терим даврида ташкилотчилик кўрсата олмадиқ.

Биз парваришда кўп нарсани бой бериб қўйдик. Агротехника тадбирларини ўтказишда сусткашлик қилдик. Баҳор ва ёз ойларида сурункали бўлиб ўтган ёғингарчилик анчагина мураккаб бўлган экин майдонларимиздаги вазиятни янада мураккаблаштириб юборди. Масалан, 610 гектар ерда сизот сувлари яқин жойлашган. Атрофдаги мавжуд коллекторларни яхши тозаламаганлигимиз туфайли сув ернинг тепа қисмига уриб кетди. Натижада экиннинг ривожига салбий таъсир кўрсатди. Биз қўшни райондан ариқ ва зовурларни тозалаш учун техника олиб келдик. Ваҳоланки бунга олдиндан тайёргарлик кўриб қўйишимиз лозим эди. Ана шу даврда ғўза сувдан, культивациядан қолиб кетди.

Экинни озиқлантиришда ҳам камчиликларга йўл қўйилди. Бунинг устига бизга зарур вақтда минерал ўғитлар етишмади. Хуллас, ана шу камчиликлар туфайли ҳосил кечки бўлиб қолди. Аксига олиб куз ҳам эрта бошланди. Экиннинг тепа қисмидаги қўсаклар пишиб етилмасдан совуқ уриб кетди.

Албатта, йиллик пахта тайёрлаш планининг бажарилмаслигига асосий айбдор ўзимиз бўлдик.

Лекин шу билан бирга-ликда район агросаноат бирлашмаси ва бир қатор мутасадди ташкилотларга эътирозимиз бор. Масалан, 1987 йилнинг ёзида бўлиб ўтган вазиятни кўриб чиқайлик. Коллекторлар сизот сувларини тортишга торлик қилиб қолди. Имкони борича тез-тез бу ариқ-зовурларни чуқур қилиб тозалаб туриш лозим эди. Аммо

ЙИЛ ЯКУНИ ТАҲЛИЛИ

буни қарангки, бутун бошли Ғалаба районида ана шунга мослаштирилган техника йўқ экан. Шундай вазиятда бизга РАПО ходимлари амалий ёрдам беришмади. Умуман назаримда РАПО ишни тўбдан қайта қурмаяпти. Бирлашма мутахассислари қандайдир майда-чуйда ишлар билан шуғулланишмоқда, маълумот тўплаш билан чекланишмоқда.

Биз ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йилида 1987 йилда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, муаммоларни ҳал қилиш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқдик. Бу йил асосий диққат-эътибор пахтадан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришга қаратилади. Бунга ҳозирданоқ мустаҳкам замин яратилмоқда. Ерларни сифатли шудгорладик. Айни кунларда далаларга маҳаллий ўғит ташиб чиқарилмоқда. Бу йил камида 10 минг тонна ғўнг тайёрлаймиз. Сув йўллари, ариқ ва зовурлар сифатли тозалаб қўйилди. Бошқа кузги-қишки ишлар ҳам жадал олиб борилмоқда.

Мана 1988 йилдан бошлаб хўжаликларда ишни янгича ташкил этишга киришилди. Биз бунга ҳам пухта тайёргарлик кўряпмиз. Иккинчи йилдирки, барча далачилик бригадаларида меҳнатни ташкил этишнинг пудрат усули қўлланилмоқда. Эндиликда барча бригадаларда иш хўжалик ҳисоби асосида юритилади. Оила пудратини янада кенгроқ ривожлантирамиз. Шундай қилиб 1989 йилгача одамларда ҳисоб-китоб билан иш юритишга кўникма ҳосил қиламиз. Бу масала юзасидан ҳам колхозимиз экономистлари махсус тадбир ишлаб чиқишди.

Сўнгги йилларда меҳнаткашларга социал-маданий-маиший шароитлар яратиб беришга ҳам жиддий эътибор беряпмиз. Масалан, 1987 йилда 250 ўринли болалар боғчаси реконструкция қилинди, икки қаватли аптека, ёзги клуб ва бир қатор турар-жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. 1988 йилда бу борадаги ишлар янада кенгайтирилади. Биз ишлаб чиқаришда инсон омили ролини оширишни бош вазифа қилиб қўйганмиз.

Гарчанд ўтган йили пахта тайёрлаш йиллик планини бажара олмаган бўлсакда иқтисодий кўрсаткичларимиз ёмон бўлмади. Ҳисоб-китоблар 2 миллион сўмликдан зиёд фойда олишимизни кўрсатмоқда. Колхозчиларимизнинг моддий манфаатдорлиги ҳам 1986 йилдагидан кам бўлмайди. Хуллас, хўжалигимизда барча ишлар комплекс олиб борилмоқда. Асосий мақсад хўжалигимизни иқтисодий жиҳатдан бақувват қилиш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш бўйича белгиланган план ва социалистик мажбуриятларни бажариш ҳамда пировард натижада меҳнаткашларимизнинг моддий манфаатдорлигини оширишдан иборатдир.

Н. МАДАМИНОВ,
Ғалаба районидаги Димитров номли колхоз раиси.

КЎЧАТ САРАЛАНМОҚДА

КАРИМ Эгамбердиев бошлиқ кўчат етиштириш билан шуғулланадиган бригада деҳқонлари бу йил ҳам ишни бошидан пухта қилдилар. Кузда ойнаванд далалар сифатли ҳайдалиб, маҳаллий ўғитга тўйдирилди. Белгиланган муддатда 50 килограмм карам уруғи сепилди. Уруғлик бир текис ундириб олинди.

Айни кунларда деҳқонлар ниҳолларни саралашга киришдилар. Бригададаги 13 нафар ишчи бу йил 65 миллион туп кўчат тайёрлаб беришга аҳд қилганлар. Айниқса, Н. Кутляева, С. Йўлдошев каби ишчилар бошқаларга ўрнак бўлиб меҳнат қилмоқдалар.

Шунингдек, Калинин районидаги «Москва» совхозининг теплица хўжалигида ош-қўқлар етиштириш ҳам яхши йўлга қўйилган. Ҳар куни шаҳарликларга 350—400 килограммдан укроп, редиска ва кўк пиёз жўнатилмоқда.

И. ҚОСИМОВ.

УЙ-ЖОЙ ПРОГРАММАСИНИ БАЖАРИШГА НИМАЛАР ХАЛАҚИТ БЕРЯПТИ?

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ДОИМИЙ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИДАН

Республика Олий Совети Уй-жой-коммунал хўжалиги доимий комиссиясининг 26 январда бўлиб ўтган мажлисида халқ депутатлари Бекобод шаҳар Советининг уй-жой қурилиши программасини ва Ўзбекистон ССР Уй-жой қонунлари талабларини амалга ошириш борасидаги фаолияти муҳокама қилинди.

Депутатлар Н. П. Мамедова, К. Т. Тоиров, Э. А. Ризаев, Т. Ф. Марченко, Д. А. Ахроров, В. М. Алимов, С. Т. Асқарова, Б. М. Норқулова, Р. С. Матупаев, А. Г. Руденконинг нутқларида Бекобод шаҳар Совети ижроия комитети уй-жой проблемасини ҳал этиш юзасидан муайян иш қилаётганлиги уқтирилди. Шу беш йилликнинг икки йили ичида 50 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жой фойдаланишга топширилди, мингга яқин оиланинг уй-жой шароитлари яхшиланди. 1170 ўқувчига мўлжалланган мактаб, иккита болалар боғчаси, ошхона, бошқа социал объектлар ҳам қурилди. Уй-жой кварталлари ва Сирдарё соҳили ободонлаштирилмоқда.

Шу билан бирга сўзга чиққан кишилар, шаҳар аҳолисининг уй-жой ва социал-маиший муассасалар билан таъминланиши белгиланган нормативлардан ҳали ҳам орқада қолмоқда, деб уқтирдилар. Шаҳар Совети ижроия комитети, корхоналар ва ташкилотларнинг хўжалик раҳбарлари уй-жой қурилишини жадаллаштириш учун кўраётган чора-тадбирлар замонавий талабларга жавоб бермайди. Уй-жой қурилиши программаси уй-жой қурилиши кўламларини кенгайтиришга етарли даражада йўналтирилмаган, уй-жойларнинг асосий қисмини давлат капитал маблағлари ҳисобига бунёд этиш режалаштирилган, бу мақсадлар учун корхоналар ва ташкилотларнинг маблағлари кам жалб этилмоқда. Бекобод шаҳар ижроия комитети шаҳарда уй-жой қурилиши планларининг бажарилишини таъминламаяпти. Қурилиб битказилмаган ишлар ҳажми икки йил ичида 2,2 миллион сўмликдан ошиб кетди. Қурилиш майдонларида меҳнатни ташкил қилиш ёмон аҳволда, темир-бетон конструкциялари ва материалларнинг бир маромда етказиб берилиши таъминланмаган. Қурилишларда малакали кадрлар етишмайди.

Шаҳар ижроия комитети раҳбарларининг, бошқа мансабдор шахсларнинг расмиятчилиги, принципсиз муносабатлари сабабли уй-жойларни ва бошқа объектларни фойдаланишга қабул қилишда катта камчиликларга йўл қўйиляпти. Бажарилган ишларнинг сифати паст. Шаҳар Совети, унинг ижроия комитети ўз қўл остидаги ташкилотлар ходимларини ва гражданларни уй-жой фондига авайлаб муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашга етарли эътибор бермаяпти. Шаҳарда шу вақтгача капитал ремонт юзасидан истиқболга мўлжалланган баланси план ишлаб чиқилмаган, уй-жой фондидан тадбиркорлик билан оқилона фойдаланилмаяпти. Уй-жойларни капитал ремонт қилиш планлари ҳар йили бажарилмай келяпти, шаҳарда инженерлик инфраструктурасини ташкил этиш, эски уй-жойларни бузиш масалалари секин ҳал этилмоқда.

Бекободда авария-диспетчерлик хизматлари йўлга қўйилмаган. Бу хизматлар зарур моддий-техника базасига, эҳтиёт қисмларга, қурилиш материалларига эга эмас. Гражданларнинг уй-жойларини сақлаш қоидаларига риоя этишдаги масъулияти сусайтириб юборилган. Ҳалигача уй-жойдан фойдаланиш учун ижарага квартира оладиганлар билан шартномалар тузилмаган. Квартира ҳақи юзасидан қарздорлик кўпайиб бормоқда.

Гражданларни ҳисобга олиш ва квартираларни тақсимлашда, уй-жой қонунлари талабларига риоя этилишида жиддий камчиликлар бор. Назорат сусайиб кетганлиги сабабли санитария нормаларига мувофиқ уй-жой билан таъминланган шахсларга навбатдан ташқари квартира бериш ҳоллари учраб турибди. Мана шу барча камчиликлар, дейишди депутатлар, сўнгги вақтда уй-жой қонунларига риоя этиш борасидаги назоратни амалга оширишда Советлар доимий комиссияларининг, депутатларнинг группаларининг, шунингдек, аҳоли ўз-ўзини бошқарув ташкилотлари: маҳалла ва уй комитетларининг, ўртоқлик судларининг роли пасайтирилганлиги сабабли рўй бермоқда. Уй-жойларни намунали сақлаш, атроф территорияларни ободонлаштириш учун социалистик мусобақа етарли даражада ташкил этилмаган.

Уй-жой-коммунал хўжалиги доимий комиссияси ўз қарорида Бекобод шаҳар ижроия комитетига кўрсатилган камчиликларни қисқа муддатларда тугатишни тавсия этди. Уй-жой қурилишини жадаллаштиришда, квартиралар ремонти суръатини оширишда резервлардан янада тўлароқ фойдаланишга қаратилган қатор тадбирларни амалга ошириш таклиф этилди. Уй-жой программасини рўёбга чиқариш, қонунларга риоя этишни назорат қилишда депутатларнинг ролини оширишга катта эътибор берилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Уй-жой-коммунал хўжалиги доимий комиссияси 1988 йилги иш планини тасдиқлади.

(ЎзТАГ).

РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КЕНГАШИ

Республика прокуратура органлари ходимларининг 26 январь куни Тошкентда бўлиб ўтган кенгашида қайта қуришнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон прокуратура органларининг бу йилги иш якунлари ва вазифалари кўриб чиқилди. Кенгаш қатнашчилари Ўзбекистон ССР прокурори Д. А. Усатовнинг докладини тингладилар ва уни муҳокама қилдилар.

Йиғилганлар ҳузурида СССР Бош прокурори А. М. Рекунков сўзга чиқди.

Республика прокурор системаси фаолиятини тубдан қайта қуриш, социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, совет гражданларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат интизомига риоя этиш таъсирини кучайтириш, хўжалик муносабатларида давлат корхонаси ҳақидаги қонунларни бажаришда прокурор назорати ролини оширишга қаратилган қарор қабул қилинди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. А. Головин, Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси В. А. Хайдуров, республика маъмурий органларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

КОЛХОЗНИНГ НАМУНАВИЙ УСТАВИ ЛОЙИҲАСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

РОЛИ ВА ОБРЎСИ ОРТАДИ

КОЛХОЗНИНГ намунавий Устави лойиҳаси хўжаликларга янада самаралироқ ишлаш, дадилроқ ҳаракат қилиш имконини берадиган кўпгина принципиал ва муҳим масалаларни акс эттирган. Айниқса, Устав лойиҳасида колхоз ҳаётини демократлаштириш, оддий колхозчиларни кооперативларни бошқаришга дадил жалб қилишда колхоз правлениесининг ролини оширишга кенг ўрин берилган.

Масалан, 6-бобнинг 35-бандида: «колхоз раисига ва ревизия комиссиясининг раисига, правление аъзолари ва ревизия комиссияси аъзоларига колхозчиларнинг умумий йиғилиши, бош мутахассисларга, бош бухгалтерга ва ишлаб чиқариш бўлинмаларининг раҳбарларига эса колхоз правлениеси жазо бериши мумкин», дейилган.

Жуда тўғри гап. Менга қолса, колхоз правлениеси кооператив хўжаликка боғлиқ бўлган барча масалаларни тўғридан-тўғри ҳал этишга, ҳатто **колхоз раиси ва бошқа етакчи мутахассисларни ҳам колхозчиларнинг умумий йиғилишини кутмасдан жазолаши ёки огоҳлантириши имконига эга бўлиши** лозим. Ана шунда фикр яқдил бўлиб, иш тезроқ ривожланади.

Т. МАДИЁРОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Ҳва номли колхоз раиси.

БИЗ ИСТАРДИККИ...

ПАРТИЯ ва ҳукуматимиз колхозларни ҳар томонлама мустаҳкамлашга тинмай ғамхўрлик кўрсатмоқда. Яқинда матбуотда эълон қилинган колхознинг намунавий Устави лойиҳаси ҳам ана шунинг бир бўлагидир. Унда жуда кўп долзарб масалаларга тўхталинган. Шахсан менга Устав лойиҳасидаги колхозчиларнинг шахсий ёрдамчи хўжалигини ривожлантириш борасида айтилган фикрлар жуда маъқул бўлди. Уставда шахсий ёрдамчи хўжаликлар ажратиш билан биргаликда уларни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар очиб берилган. Биз бундан буён ўз ёрдамчи хўжалигимизда боғдорчиликни, сабзавотчиликни ва бошқа фойдали тармоқларни ривожлантиришимиз мумкин.

Устав лойиҳасидаги бу борада айтилган фикрларга айрим мулоҳазаларимиз ҳам бор. Масалан, 9-боб 42-бандда «Колхоз правлениеси томорқа участкаларидаги ишларда колхозчиларга ёрдам беради», дейилган. Бундан жуда хурсандмиз. Лекин, ана шу ёрдам нимадан иборат бўлади? Бу очилмай қолган. Бизнингча, жумлани конкретлаштириш керак. Масалан, биз айни пишиқчилик даврида шахсий ёрдамчи хўжалигимизда етиштирилган маҳсулотларни қаерга олиб бориб топширишни билмай қоламиз. Бозорда сотай десак унга қанча овора бўлиш керак, бунинг устига транспорт муаммоси ҳам бор. Шундай экан, **колхоз правлениеси томорқа участкаларида етиштирилган маҳсулотни қабул қилиб олишда, шунингдек ёрдамчи хўжаликларни маҳаллий ва минерал ўғит ҳамда бошқа зарур нарсалар билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатиши** лозим, деб қўшиб қўйилса айни муддао бўлур эди.

С. АБДУҚОДИРОВА,
Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози аъзоси.

РАПО ишларига аралашмай

Бутуниттифоқ XIX партия конференциясида КПСС XXVII съездидан сўнг қайта қуришни амалга ошириш соҳасида қилинган ишлар муҳокама этилиб, янги вазифалар белгилаб олинади. Шу муносабат билан газетанинг «Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан» рубрикаси остида бериладиган материалларида партия ташкилотларн тажрибаси умумлаштирилади, янги вазифалар, муаммолар ҳақида фикр юритилади.

Хўш, КПСС XXVII съездидан сўнг партиявий иш услуби ва методларида ўзгаришлар бўлдими? Қайта қуриш самаралари сезиляптими? Бу саволларга қуйидагича жавоб олдик.

Н. Н. БАЛБОШИНА, Паркент район партия комитетининг иккинчи секретари:

— Бир сўз билан айтганда биз сиёсий раҳбарлик услубини ўрганаяпмиз. Бунинг учун биринчи навбатда ташкилотчилик, ғоявий-тарбиявий ишлар марказини бевосита бошланғич ташкилотларга кўчираяпмиз. Райкомнинг масъул ходимлари ҳар сешанба куни бошланғич ташкилотларда бўлиб, уларга амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Район партия комитети пленумлари, бюро мажлисларида кўрилаётган масалалар мазмуни тубдан ўзгариб бораяпти. Уларда кўпроқ раҳбар ходимларнинг ҳисоботлари, партиявий ва тарбиявий ишларнинг аҳволи муҳокама қилиняпти. Қабул қилинган қарорларнинг ижросини контроль қилиш кучайди. Жумладан, ҳар бир пленумда райком аъзоларига аввалги пленум қарорларининг бажарилиши тўғрисида ахборот берилаяпти.

Бюро мажлислари кун тартибига киритилаётган масалалар кескин қисқартирилди. Натижада долзарб вазифаларни ҳар тарафлама чуқур ўрганиш, аниқ ва пухта қарорлар қабул қилиш имконияти яратилди.

Коммунистларнинг масъулияти оширилмоқда. Бунда ҳозир бошланғич ташкилотларда ўтаётган коммунистлар аттестацияси катта роль ўйнамоқда. Ҳозирги кунгача улардан 195 нафари синовдан ўтди. 48 коммунист, шу жумладан, 10 раҳбар коммунист шартли равишда аттестация қилинди. Улар аттестация комиссияси хулосаси асосида партия йиғилишларида муҳокама қилиниб тегишли жазоларини олдилар.

Район партия комитети хўжаликларнинг майда-чуйда ишларига камроқ аралашяпти. РАПО, хўжалик раҳбарларига кўпроқ мустақиллик берилмоқда. Бу шароитда бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигини ошириш чораларини кўраяпмиз. Калинин номли, «Коммунизм» совхозлари бошланғич партия ташкилотлари қайта қуришга раҳбарлик қилишни анча дуруст йўлга қўйганлар.

Лекин бир қатор бошланғич партия ташкилотлари ишида жиддий камчиликлар борлиги қайта қуришга раҳбарлик бўйича бюро ва партия комитетлари ҳисоботига бағишланган йиғилишларда маълум бўлиб қолди. Йиғилишда «Паркентводстрой» трести, тикувчилик фабрикаси, район матлубот жамияти партия ташкилотининг қайта қуришга раҳбарлик соҳасидаги фаолияти кескин танқид қилинди. Бу ҳол райкомнинг иш услуби ва методларида ҳам камчиликлар борлигини кўрсатади. Область партия комитетининг IX пленумида биз ҳамон қоғозбозлик билан шуғулланаётганимиз жуда тўғри кўрсатиб ўтилди.

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан

Резерв кадрлар билан ишлаш, идеология соҳаларидаги фаолиятимиз ҳам талаб даражасида эмас. Нуқсонларни бартараф этиш чоралари кўриляпти. Бунда биз янги кучларга таянмоқдамиз.

Конференциядан конференциягача бўлган даврда сайлаб қўйилган райком аъзолари сони анча камайиб қолади. Бунинг сабаблари кўп: айримлар бошқа ишга ўтиб кетади. Баъзилар жиддий камчиликлари учун райком составидан чиқарилади. Аммо уларнинг ўрни тўлдирилмайди. Ҳозир Советларда ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига сайлов ўтказиш практикаси мавжуд. Партия комитетларига ҳам шундай ҳуқуқ берилиши керак, деган фикрдамиз.

Расмиятчиликка, қоғозбозликка қарши кескин кураш олиб борилаётган ҳозирги шароитда кам сонли партия ташкилотларида иш юритишни ўйлаб кўриш керак. Турли папкалар, ҳужжатларни иложи борича камайтириш лозим.

С. САЛОҲИДДИНОВ, «Коммунизм» совхози партия комитетининг секретари:

— Хўжалик юритишнинг янгича усулига ўтилаётган ҳозирги пайтда бошланғич партия ташкилотлари зиммасига катта масъулият юкланмоқда. Улар коммунистлар ва барча меҳнаткашларда хўжайинлик туйғусини, янгича иқтисодий тафаккурни шакллантиришлари керак.

1987 йилда биз давлатга пилла, узум, сабзавот, чорва маҳсулотлари, ғалла сотиш планларини ошириб бажардик. Совхоз 100 минг сўмдан кўпроқ соф фойда олди. Бу коллектив ва оилавий пудратнинг жорий этилиши натижасидир. Шу муносабат билан биз партия ўқуви, айниқса, иқтисодий таълимга эътиборни кучайтирдик. Машғулотларда хўжалик ҳисоби асослари чуқур ўрганилмоқда.

Кейинги пайтда коммунистларга нисбатан талабчанлик кучайганлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу партия сафига қабул қилишда ҳам ўз ифодасини топаяпти. Очиғини айтсак, илгарилари КПСС сафига қабул қилишда оддий ишчилар олдига жиддийроқ талаб қўйилмасди. Эндиликда эса уларнинг ташаббускорлиги, ишга муносабати алоҳида ҳисобга олинаяпти. Сўнгги уч йил ичида сафимизга қабул қилинган коммунистларнинг аксарияти меҳнатда ҳам, жамоат ишларида ҳам чиғанакамига намуна кўрсатмоқдалар. Масалан, ёш ишчи К. Миралиева ўтган йили соҳибкорлар ўртасидаги мусобақада уч марта ғолиб деб топилди. У узум териш топшириғини кунига икки-уч баравардан ошириб бажарди. Яна бир ёш коммунист А. Тошхўжаев бошчилик қилаётган бригада коллективи эса узум етиштириш топшириғини 160 процент қилиб адо этди.

Маълумки, келгуси йилдан бошлаб колхоз ва совхозлар ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ва ўзинўзи қоплашга ўтади. Тайёргарлик юзасидан совхозимизда чек системасини жорий қилаяпмиз, бу қайта қуриш қирраларидир.

Қайта қуриш талаблари асосида партиявий ишни ҳам тубдан ўзгартираяпмиз. Бу соҳада маълум тажриба тўпланаяпти. Бутуниттифоқ XIX партия конференциясида илғор тажрибани умумлаштиришни истар эдик.

Янгиланиш даврида коммунист масъулияти ҳақида кўп гапирилаяпти. Бу борада коммунистлар аттестацияси катта роль ўйнамоқда. Коммунистлар аттестациясини ҳар беш йилда бир марта ўтказиб бориш қоидага айланмоғи керак.

• Ҳар соҳада тежамкор бўлайлик

ИЗЛАСА ТОПИЛАДИ

Иқтисодчи минбари

«ҲАР соҳада тежамкор бўлайлик!» — пойабзал фабрикамиз меҳнаткашлари ўз фаолиятларида амал қилаётган шиорларнинг бири шундай. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини ошириш қатори материаллар ва хом ашёни тежаб-тергаб сарфлашга тобора кўпроқ эътибор берилмоқда. Шу мақсадда қатор ташкилий-техникавий тадбирлар ишлаб чиқилган. Махсус Низомга амал қилинмоқда. Ҳар бир ишчи-хизматчи тежаб қолган маблағнинг муайян қисминй шахсан ўзи олмоқда. Бу тежамкорликдан моддий манфаатдорликни сезнларли даражада оширди.

Шундай омиллар ҳақида гапирганда, албатта, ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракати ҳақида ҳам тўхтаб ўтиш лозим. Фабрика ва унинг цехларида бу йўналишда муайян ишлар олиб борилаяпти. Қатор янги асбоб-ускуналар ўрнатилди. Новаторлар учун ишлаб чиқаришнинг такомиллашиши лозим бўлган участкаларнинг рўйхати белгиланган. Улар у ёки бу тема бўйича ижодий изланиш олиб боришлари мумкин.

Бу ва бошқа шу каби амалий тадбирлар ишчи-хизматчиларнинг ижодкорлигини кучайтиришга, янгилик изловчилар сафининг кенгайишига олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам кўпгина меҳнат коллективлари, айрим рационализаторлар анчагина иқтисодий самара берадиган турли хил таклифлар билан чиқмоқдалар.

Ижодкор коллективлар ҳақида гапирадиган бўлсак аввало биринчи цех меҳнат аҳлини тилга олиш ўринлидир. Бу бўлинма ишчи-хизматчилари хом ашё ва ёрдамчи материалларнинг оқилона, тежаб-тегграб сарфлашда бошқаларга намуна бўлишяпти. Ҳар бир иш ўрнида тежамкорлик учун кураш йўлга қўйилди. Ҳар бир ишчи ва инженер-техник ходим бу хайрли ҳаракатда қатнашмоқда. Унинг оммавий тус олиши кўнгилдагидек натижа бермоқда.

Цех коллективи ҳар қачонгидек ўтган йили ҳам тежамкорликда корхона цехлари ўртасида энг юқори кўрсаткичга эришди. Бир йил давомида 420 минг квадрат дециметрдан ортиқ хром ва чарм товарлари иқтисод қилинди. Улардан минглаб пойабзалларнинг устки қисми тайёрланди. Бундан ташқари, 229 минг квадрат дециметр астарлик чарм товарлари, 106 минг квадрат дециметр каттиқ чарм тежалди.

Бошқа хом ашё ва маҳсулот турлари бўйича ҳам тежамкорликда юқори кўрсаткичларга эришилди. Сунъий чармдан тежаб қолинган хом ашё миқдори 96 минг квадрат дециметрни ташкил этди. 973 минг квадрат дециметр пахмоқ, 700 минг квадрат дециметр резина ва бошқа материаллар ёнга қолди. Бундай маҳсулотлар кўплаб болалар пойабзали ишлаб чиқаришда фойдаланилди.

Цех коллективи эришаётган бундай ютуқларнинг муҳим омили бор. Бу ерда барча бичиқчилар ва чарм қирқувчилар шахсий тежамкорлик ҳисоби асосида ишлайдилар. Бунинг учун махсус варақа тутилган. Ҳар бир ишчи-хизматчининг тежамкорлик бўйича ҳар сменада эришган ютуғи ёки йўл қўйган камчилиги шу варақада қайд қилиб борилади ва улар муайян давр ўтгач умумлаштирилади. Тежамкорликда энг юқори кўрсаткичга эришган пойабзалчилар моддий ва маънавий рағбатлантирилади.

Шу туфайли цех ишчилари ўртасида бу муҳим кўрсаткич бўйича ҳам шахсий мусобақа авж олиб кетган. Унда қатнашаётган кўпчилик пойабзалчилар яхши натижаларга эришмоқдалар. Бичиқчи С. Абибуллаева шундайларнинг биридир. У деярли ҳар сменада хом ашё ва материалларни иқтисод қилмоқда. Салкам бир йил давомида эса 14 минг квадрат дециметрдан кўпроқ юмшоқ чарм товарларини тежаб қолди. У билан мусобақадош М. Вапурова эса янада юқорироқ натижага эришди. Унинг шахсий тежамкорлик варақасига йил давомида 18 минг квадрат дециметр хом ашё тежаганлиги ёзиб қўйилди. Г. Казакова ва Г. Мусақуловалар биргаликда иқтисод қилган газлама материаллари 95 минг квадрат дециметрдан ҳам ошиб кетди.

Шундай натижаларга эришишни таъминлаётган энг муҳим омиллардан бири пойабзалчиларнинг касб маҳоратини оширишдир. Фабрикада бу йўналишда ҳам анчагина ишлар қилинмоқда. Турли касб эгалари ўртасида конкурслар ўтказиш анъана бўлиб қолди. Биргина ўтган йили ярим чарм товарларини бичиқчилари, қирқувчилар, тортувчилар, фрезерчилар ўртасида шундай шахсий беллашув ташкил этилди. Жумладан, фрезерчилардан С. Аблязов, Р. Йўлдошев, кесувчилар Р. Маҳамедов, И. Абубакиров, бичиқчилар З. Аблаева, С. Абибуллаева, З. Мирзакаримовалар ўз касбдошлари ўртасида энг моҳир ишчи номини олишди. Уларнинг илғор иш тажрибалари касбдошлари ўртасида ёйилди.

Фабрикамизда ҳар йили ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланиш бўйича жамоатчилик кўриги ўтказилади. Бу кўрик ҳам тежамкорлик ҳаракатининг кенгайишига ёрдам бермоқда. Унинг якунлари бўйича «Энг тежамкор» фахрий унвони берилади ва ғолиблар пул мукофотлари ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирланади.

Фабрикамиз коллективи тежаб қолинган хом ашё ва материалларни ишлатиш кўламини ҳам кенгайтирмоқда. Маълумки, иқтисод қилинган ҳамма материаллар ва хом ашёлардан пойабзалнинг росмана қисмлари тайёрланиши қийин. Уларнинг анчагина қисми майда-чуйда бўлади. Бундай материаллардан эса «товарсиз карталар» бўйича деталлар тайёрланади, пойабзалнинг энг майда деталлари ишлаб чиқарилади. Ўз хусусиятини қисман йўқотган чарм товарларига эса махсус ишлов берилади. Шундан сўнг улардан турли хил ёрдамчи деталлар бичилади.

Бу ишга ўқувчиларни ҳам жалб қилмоқдамиз. Биринчи ўқув ишлаб чиқариш комбинатида мактаб талабалари юмшоқ чарм товларининг тежаб қолинганидан пинеткалар тикишади.

Пойабзалчиларимиз ишлаб чиқаришнинг барча кўрсаткичлари қатори тежамкорликда эришган ютуқлар билан чекланиб қолишни хаёлларига ҳам келтирмаяптилар. Барча ишлаб чиқариш бригадаларида тўла хўжалик ҳисоби жорий қилинган. Бу янги йилда ҳам тежамкорликда яхши натижаларга эришиш учун ёрдам беради. Айни вақтда биз хўжалик механизмини такомиллаштириш, илғор тажрибани ёйиш, энг муҳими инсон омилини активлаштиришга ёрдам берадиган барча имкониятлардан фойдаланишга алоҳида эътибор берамиз.

Х. ЖАМОЛИДДИНОВА,
Чирчиқ пойабзал фабрикаси иқтисодчиси.

● «Лазур», «Аланга», «Интенсив», «Қорақалпоғистон» деб номланган навларни яқинда Ўзбекистон шоличилик илмий текшириш институти олимлари яратдилар. Янги шоли навлари ҳосилдорлиги, донининг аъло сифатлилиги, экиннинг ҳар қандай шароитда ҳам чидамлилиги билан ажралиб туради. «Лазур» янги навлар ичида энг серҳосил деб топилди. Бу нав уруғи экилган шолизорларнинг ҳар гектаридан 90 центнердан ҳосил олиш мумкин. Навга бўлган талаб жаҳон бозорида ҳам ортиб бормоқда.

Суратда: (чапдан) лаборант Ф. Қумусбекова ва уруғчилик бўлими мудири, қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати О. Буригина.

Г. ПУН фотоси. (ЎзТАГ).

ОСМОНЎПАР БИНО ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш министрлиги мутахассисларининг юмушлари кўпайиб қолди. Улар Тошкент марказида қад кўтарган осмонўпар бинони диққат билан кўздан кечириб, бўлажак республика диагностика маркази хоналарини қандай қилиб жойлаштиришни режалаштирдилар. «16 қаватли бино республика диагностика марказига берилди. Ер остидаги уч қаватни ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, — дея хулоса қилди даволаш бошқармаси бошлиғи Р. Султонов, — жуда бемалол жойлашиб олиш мумкин».

Ўзбекистон кўчасида, Киночилар уйи қаршисида қад кўтарган ана шу басавлат бино Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети учун мўлжалланган эди. Бироқ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва ҳукумати яқинда фойдаланиш учун жуда зарур бўлмаган барча маъмурий бинолар, шифокорлар ихтиёрига берилади деб қарор қилдилар. Мана буни бошланган қайта қуришнинг дастлабки натижалари деса бўлади.

Тошкентдаги «Гипрониздрав» институти бинони қайта жиҳозлашга зудлик билан киришди. Беш йилликнинг охирига борибан ана шу бинода республикамизнинг турли районларидан келиб даволанадиганлар учун уч қаватли пансионат бунёд этилади.

Бироқ пансионат очилишини кутиб турмай, бу ерда 500 врач, ҳамшира, инженер ва техник ишлай бошлайди, деб хабар беришди бизга республика соғлиқни сақлаш министрлигидагилар. СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг разнарядкасига биноан, марказ сентябрь ойида ускуналарнинг тўла комплектини, шу жумладан компьютер томографи, эндоскопик, рентген, биохимия, ультратовуш ва барча бошқа энг замонавий тадқиқот методлари аппаратларини олади. Йил охирида республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларидан келган беморлар қабули бошланади.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш хизмати ихтиёрига ҳаммаси бўлиб 400 га яқин бино берилади. Ана шу катта бойликдан оқилона фойдаланиш йилнинг муҳим юмушларидан биридир: эски касалхоналар ва поликлиникалар, туғруқхоналар ва лабораториялар, сиҳат-саломатлик масканлари ҳамда сут маҳсулотлари тайёрловчи ошхоналар кенгайтирилиши ва янги бинолларга кўчирилиши зарур. 1995 йилгача республикада 11 та диагностика марказ ташкил этилиши ва улар энг сўнгги замонавий техника асбоб-ускуналари билан жиҳозланиши керак.

Ю. КРУЖИЛИН,
ЎзТАГ мухбири.

● **Республикамиз пойтахтидаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида ўз ишининг фидойиси бўлган ўнлаб мутахассислар ишламоқда. Улар ўзларининг ижодий изланишлари билан ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшишяпти. Шундай жонкуярлар ҳақида гап кетгудек бўлса, кимёгар-технолог Зулфия Абдуллаева номини ҳам биринчилар қаторида тилга олишади. Бу моҳир мутахассис бўяш-пардозлаш цехи бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишламоқда. Айни вақтда у жамоатчилик ишларида ҳам фаол қатнашади. Октябрь район Советининг депутати сифатида зиммасига юклатилган вазифани шараф билан уддаламоқда. Мураббий-устоз ўнлаб шогирдларни тарбиялади. Ушбу суратда З. Абдуллаевани кўриб турибсиз.**

М. НУРИДДИНОВ

фотоси.

ХУЛОСА ЧИҚАРМАГАНЛИКЛАРИ УЧУН ЖАЗОЛАНДИЛАР

• Қарорнинг ижросини текширамиз •

БУНДАН роппа-роса бир йил муқаддам, тўғрироғи газетанинг 1987 йил 24 январь сонида **«Гўшт ўрнига калла-поча»** сарлавҳали рейд мақола эълон қилиниб, унда область шаҳар ва районларидаги боғча-яслиларда, мактабларда болаларни иссиқ овқат билан таъминлашнинг аҳволи ҳар томонлама чуқур таҳлил этилганди. Область бўлимлари, бошқармалари, шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари олдига конкрет вазифалар қўйилганди.

Мана, орадан бир йил ўтди. Рейд мақолада рўй-рост очиб ташланган камчилик ва нуқсонларни тузатиш, муаммоларни ҳал этиш вазифаларини бажариш учун бу вақт етарли эди. Хўш, амалда нима бўлди?

Бу саволга жавоб беришдан аввал ўша рейд мақоланинг хулоса қисмини яна бир бор эслатиб ўтиш ўринли деб ўйлаймиз. Мақолада ачинарли аҳволга йўл қўйган маҳаллий Совет ижрокомлари, маориф бўлимлари, РАПО ва матлубот жамиятларининг масъулиятсизлигига тегишли баҳо берилиб, шундай хотима қилинганди: **«Қолган барча район ва хўжаликларнинг раҳбарлари ҳам бундан тўғри хулоса чиқариб олишлари керак».**

Аммо афсуски, мақоладаги танқидлардан, область Совети ижроия комитетининг шу масала юзасидан қабул қилган махсус қароридаги конкрет кўрсатмалардан ҳеч ким тегишли хулоса чиқариб олмапти. Яқинда ўтказилган қайта текширув давомида бир йил аввалгисидан ҳам кўпроқ жиддий нуқсонлар қайд этилди.

Ҳозир областдаги 31 та мактабда, 2 та ҳунар-техника билим юртида умуман ошхона йўқ. 404 та мактабнинг ошхонаси мослаштирилган ночор бинода жойлашган. Мактаб ошхоналаридаги ўринлар болаларни 56,7 процент таъминлайди, холос. Жой етишмаслиги устига қатор ошхоналардаги аҳвол мутлақо антисанитария ҳолатида. Мактаб, болалар боғчалари, ҳунар-техника билим юртларида санитария-гигиена қоидаларига, эпидемиологияга қарши режимга амал қилинмаётганлиги сабабли санитария-эпидемиология хизмати органлари томонидан 1452 мансабдор шахсга жарима солинди, 254 та ошхона ёпиб қўйилди, 622 киши ишдан четлатилди.

Бекобод, Калинин, Оржоникидзе, Паркент ва Янгийўл район Советлари ижроия комитетлари мактаб ва билим юртларига озиқ-овқат маҳсулотларини тақсимлаш ҳуқуқи ўзларига бериб қўйилганлигига қарамай, бу ишни савдо ташкилотларига ишониб топшириб қўйишди. Оқибатда ўқувчиларнинг гўштга бўлган эҳтиёжлари бор-йўғи 24,5 процент қондирилди, холос. Ҳолбуки, 1987 йилги районларга ажратиладиган гўшт фонди 1986 йилдагига нисбатан 158 тонна кўпайтирилган эди.

Умуман, область матлубот жамиятлари правлениеси, область умумий овқатланиш бошқармаси, уларнинг жойлардаги бўлинмалари умумтаълим ва ҳунар мактаблари ошхоналарига тегишли бўлган маҳсулотларни тўла ажратиш ва мунтазам таъминлаб бориш шунингдек, бу маҳсулотларни марказлашган усулда ташиб бериш учун махсус транспорт ажратишдек муҳим ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйганлар. Область мактаблари ва билим юртларига ўтган йили 13 тонна гўшт, 56 тонна сариёг, 58 минг дона тухум етказиб берилмаганлигининг сабаби шунда.

Шуниси ачинарлики, савдо ва умумий овқатланиш ташкилотларидаги юлғичлар ўқувчиларнинг ризқи бўлган маҳсулотларни қозондан уриб қолаётган бўлсалар, ўқув муассасаларининг айрим раҳбарлари ҳам болаларни чўмичда қоқмоқдалар. Чунончи, Ангрен шаҳридаги 6-мактабда бир ҳафта давомида ўқувчилар овқатига солиниши керак бўлган 30 килограмм гўшт, 638 банка димлаб пиширилган гўшт, 15 килограмм сариёг ва қиздирилган ёғ ўқитувчиларга сотиб юборилди. Ўрта Чирчиқ районидаги 6-мактаб ўқитувчилари ҳам болаларга аталган 20 килограмм гўштни ҳеч уялмай, виждонлари қийналмай бўлашиб олиб, уйларига ташиб кетавердилар. Бу бир ҳафталик талон-торож холос. Агар уни йилга чақадиган бўлсак-чи? Агар Оржоникидзе, Оққўрғон, Ғалаба районларидаги мактабларда ҳам ҳурматли педагогларимиз киприк қоқмай, болалар нонини туя қилаётганликларини қўшиб ҳисобласак-чи?

Буниси ҳали ҳолва. Мана бу ихтирога нима дейсиз? Баъзи ҳунар-техника билим юрти раҳбарлари ўқувчиларга иссиқ овқат тайёрлаб бериш ўрнига нақд пул улашишни одат қилишибди. Масалан, Чирчиқ шаҳридаги 5 та билим юртида бир йилу тўққиз ой давомида ўқувчиларга овқат ўрнига салкам 160 минг (!) сўм нақд пул тарқатишибди. Балоғат ёшига етган-етмаган ўсмир ва ёш йигитларнинг щунча миқдордаги пулни қўлларига олганларидан сўнг уни фақат овқатга сарфлаганларига энди ким кафолат беради?

Уч маҳал иссиқ овқат ейиш ўрнига қўлига нақд пул олиб турган болаларнинг тарбияси нима бўлади? Балки билим юрти раҳбарлари буни педагогик методларни қайта қуриш, деб тушунтирмоқчи бўлишар?...

Шу ўринда яна бир ҳақли савол туғилади: хўш, шунча пулни болалар олганлиги тўғримикин ўзи? Бир қўли билан болалар қозонига човли солаётганларнинг иккинчи қўллари билан уларга пул беришлари кишини ҳайрон қолдиради, чунки бу ишдаги мантиқ масаласи шубҳа уйготади.

Масаллиқлар қозонга тўлиқ тушмаганидан кейин овқатнинг таъми нима бўлади, дейсиз? Текшириш давомида деярли ҳамма мактаб ва билим юртларида ҳар куни бир хилдаги овқатлар тайёрланиши, бунинг устига ўта сифатсизлиги маълум бўлди. Меню тузишда ўқувчиларнинг ёшлари ҳисобга олинмайди. Олти ёшлилар учун алоҳида меню йўқ. Бекобод, Оққўрғон, Калинин районларидаги 5-, 32-, 33-, 41-, Ғалаба районидаги 28- ва 45-ҳунар-техника билим юртларида кундалик нормадаги гўшт маҳсулотларининг 25—30 проценти ажратилади, холос. Сут-қатиқ маҳсулотлари эса умуман берилмаяпти. Бу маҳсулотларнинг қаёққа кетаётганлигини ҳеч ким билмайди. Булар ўрнига нон, макарон маҳсулотлари, дон ёрмалари истаганча топилади.

Область Совети ижроия юмитетининг бир йил аввалги яъни 1987 йил 16 январдаги қарорида қуйидагича аниқ кўрсатма берилган эди: **«Область матлубот жамиятлари правлениеси ва область умумий овқатланиш бошқармаси ҳар бир район ва шаҳарда базавий мактаб ошхоналари ташкил этсинлар, болалар муассасалари ва мактабларни янги сабзавот ва мева турлари билан эҳтиёжларига яраша узлуксиз таъминлаб турсинлар».** Энди яқинда қабул қилинган янги қарордан қуйидаги сатрларни ўқиймиз: **«Область матлубот жамиятлари правлениеси ва область умумий овқатланиш бошқармаси мактабларни гўшт, балиқ ва сабзавотли яримтайёр масаллиқлар билан таъминлаш мақсад қилинган базавий ошхоналар ташкил этиш топшириқларини бажармаяптилар».** Шундан сўнг факт ва рақамлар келтирилади. Чунончи, планлаштирилган 21 та ана шундай ошхонадан фақат 10 таси ташкил этилди. Аммо улар ҳам талабга жавоб бермайди. Сабаби — гўштли яримтайёр масаллиқ ва кондитер маҳсулотларидан бошқа ҳеч нарса тайёрланмайди. Мутахассислар билан таъминланмаганлиги учун технологик асбоб-ускуналар бекор ётипти.

Ижроком бу сафар қарорни қатъийлаштирди. Бир йил аввалги қарордаги **«Агар аҳвол тузатилмаса, ҳатто ташкилий чора кўрилсин»** деган шартга амал қилиниб, айрим раҳбарлар айбларига яраша жазоландилар. Ўзларига топширилган иш участкаларига раҳбарлик қила олмаганликлари, умумтаълим ва ҳунар мактабларида ўқувчилар учун иссиқ овқат тайёрлашни тўғри йўлга қўйишни уддаламаганликлари ва область Совети ижроия комитетининг базавий мактаб ошхоналарини ташкил этиш тўғрисидаги 1987 йил 16 январдаги қарорини бажармаганликлари учун область матлубот жамиятлари правлениеси раисининг ўринбосари М. З. Микоэлян билан область умумий овқатланиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Л. А. Юрченконинг бундан буён ўз лавозимларида ишлашлари мақсадга мувофиқ эмас, деб топилди.

Область матлубот жамиятлари правлениеси (У. М. Мираюпов), область умумий овқатланиш (И. А. Икромов) ва ҳунар-техника таълими (О. М. Мусаев) бошқармалари, Бекобод, Калинин, Оржоникидзе, Паркент ва Янгийўл район Советлари ижроия комитетларининг шу соҳадаги ишлари қониқарсиз деб баҳоланди. Уларга уч ойлик муддат ичида умумтаълим ва ҳунар мактаблари ўқувчиларини иссиқ овқат билан таъминлашда тўла тартиб ўрнатиш топширилди.

Эндиги масала қарордаги ана шундай кўрсатмаларнинг ўз вақтида амалга ошишини назорат остига олишдир. Бунинг учун область ички ишлар бошқармасига ва республика Молия министрлигининг Тошкент области бўйича контроль-ревизия бошқармасига ҳам конкрет топшириқ берилди. Улар боғча-яслилар, умумтаълим ва ҳунар мактабларини гўшт ҳамда сут маҳсулотлари билан ажратилган фондга мувофиқ таъминлаш бўйича район матлубот жамиятлари ишини танлаб, текшириб борадилар. Бу — тўғри тадбир. Шуниси муҳимки, бу соҳада қоидани бузаётганлар қилмишларига яраша албатта жазоланишлари керак. Чунки, жазосизлик давом этаверар экан, тартибсизлик, талонторожлик ва бошқа қинғир ишларни тугатиб бўлмайди.

А. ИЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ИЛМИЙ МУАССАСАЛАРДА

АСОСИЙ МЕЗОН — САМАРА

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ботаника институти олимлари олиб бораётган изланишлар халқ хўжалигида анчагина яхши самаралар бермоқда. Айниқса тадқиқотчилар ўсимликлар хусуниятларини ўрганиш, табиатни муҳофаза қилиш, чўл зоналаридаги ўтлоқлар унумдорлигини ошириш борасида бир қатор муваффақиятларга эришдилар. Институт директори У. П. ПРАТОВ махсус мухбиримизга бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди.

Кейинги йилларда фан билан ишлаб чиқаришнинг алоқасини мустаҳкамлаш йўлида дуруст натижаларга эришдик. Ўсимликлар флораси ва системаси, яйлов цитомелиорацияси, эфир мойли ошловчи модда ва бўёқ сақловчи ўсимликлар, шўр босган ерларнинг ботаник мелиорацияси, кўк яшил сув ўтлари лабораторияларида қўлга киритилган ютуқлар бунга мисол бўла олади.

Турли ўсимликлар «таржимаи» ҳолини мукаммал ўрганиш натижасида кенг истеъмол маҳсулотларига айланган бир неча хил салқин ичимликлар яратилди. «Райхон», «Орзу», «Тоғ гули», «Тошкент», «Пахтакор» деб ном олган бу ичимликларни эндиликда республикамизнинг барча савдо шаҳобчаларида кўриш мумкин. Худди шундай изланишлар самараси бўлган «Самарқанд» бальзами эса Лейпциг халқаро кўргазмасида олтин медалга сазовор бўлди.

Олимларимиз чигитни экиш олдидан қайта ишлашда қўлланиладиган суюқликни ҳам яратдилар. Бу суюқликка бўктирилган уруғ ҳар қандай касалликдан ҳоли бўлиши, ҳосилдорликнинг ортишига хизмат қилиши тажрибада синалди.

Сўнгги йилларда қўлга киритилган натижалардан яна бири корхоналарда мевалардан тайёрланган мураббо, шарбат, консерва маҳсулотлари қолдиқларидан халқ хўжалигида фойдаланишнинг ҳал этилишидир. Хусусан бу қолдиқлар замбўруғлар ёрдамида парчаланиб, унга сув ўтларидан қўшилса, бинойидек ўғит бўлишини тадқиқотчиларимиз асослаб бердилар.

Табиатни муҳофаза қилишда амалга ошираётган ишларимиз самараси ҳам чакки эмас. Олимлар жуда камайиб кетган ноёб ўсимликларни қидириб топиш, уларни сақлаб қолиш, шунингдек, самарадорлиги пасайиб кетган ўтлоқлар, яйловларнинг унумдорлигини ошириш, канал, дренажлар четида яроқсиз ерларни текислаб, улардан фойдаланиш, шўрхок майдонларнинг шўрини ювиш борасида ҳам изланмоқдалар. Дарахтлари сийраклашган мевазорларни қайта тиклаш бўйича сўнгги йилларда бир қанча амалий тадбирлар ишлаб чиқилди. Тупроқ эррозиясига қарши курашда ҳам фаолиятимиз активлашиб қолди.

Гап дарахтзорларга қайта умр бағишлаш ҳақида борар экан, Бўстонлиқ районидаги Сижжак қишлоғининг Қайнарсой участкасида қўллаётган тажрибамиз тўғрисида тўхталмоқчимиз. Бу ерда тадқиқотчилар Қирғизистондан келтирилган ёнғоқ навларини икки хил усулда синадилар. Тоғ ёнбағирларига экилган ниҳоллар бир қисми ўғитланиб, қолган қисмига ўғит берилмади. Улар мевага киргач, ўғитланган ҳар бир туп ёнғоқдан 5 килограммгача, ўғитланмаганидан эса 2 килограммдан ҳосил олинди. Демак, ёнғоқзорларни ўғитлаш зарурлиги янада равшанлашди. Айни пайтда жанубий Қирғизистондан келтирилган кўчатлар иқлимимизга мослаштирилди. Ўрмон хўжалиги ходимлари ҳам бизнинг тажрибаларимизни қўллаяптилар. Лекин кўпчилик дарахтлар қари бўлганлиги (80—100 йиллик) туфайли яхши ҳосил олиб бўлмаяпти. Энди ана шу ёнғоқзорлар ўрнига ёш дарахтлар экиш масаласини ўрганяпмиз. Келгусида тоғ ёнбағирларида бўш ётган ерларимизнинг ҳосилдорлигини ошириб, катта-катта ёнғоқ плантацияларини барпо қилишни институтимиз ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Табиатни муҳофаза қилиш борасида амалга ошираётган ишларимиздан яна бири ерларнинг шўрини ювиш учун ширинмия ўсимлигини экиб, жойларни пахта экиладиган даражага келтиришдир. Афсуски, ҳар йили қазиб олиниши натижасида бу ўсимлик кескин камайиб кетди. Эндиликда олимларимиз унинг тупроқ шўрини камайтириш хусусиятини ҳам аниқладилар ва маданийлаштириш устида бош қотирмоқдалар.

Институтимиз тадқиқотчиларининг Ангрен кўмир ҳавзаларидан чиққан қолдиқ жинслар устида ўсимликлар ўстириш бўйича олиб бораётган фаолияти ҳам эътиборга сазовор. Бу муаммо асосан ҳал этилди. Бундай қолдиқ жинслар эгаллаган майдонларда бемалол ўсимлик ўстириш мумкин экан.

— Кейинги йилларда табиий яйловлардан унумли фойдаланиш бўйича илмий изланишларимиз жадаллашди. Республикамиздаги 24 миллион гектардан ортиқроқ табиий яйловларнинг асосий қисми чўл зоналаридадир. Уларнинг ярмидан кўпроғи жуда қаровсиз. Сабаби бу жойларда моллар тартибсиз боқилади, монголиялик, вьетнамлик ҳамкасблари билан алоқа қилиб туришади. 1986 йилда эса бир группа тадқиқотчиларимиз Ливия, Ироқ, Сурия чўлларида изланишлар олиб бориб, бу мамлакатларга илм-фанни ривожлантиришга ёрдам бердилар.

Албатта, тадқиқотлар самарасидан кўнглимиз тўлмаяпти. Масалан, ўтган йили илмий изланишларга сарфланган ҳар бир сўм ҳисобига 3,5 сўмдан фойда кўрилди, холос. Бу бундан уч-тўрт йил олдинги йилларгагига нисбатан 1,5—2 баравар кам демакдир. Хўш, аҳвол нега шу даражага келиб қолди? Бунинг сабаби битта. У ҳам бўлса сўнгги йиллар ичида фан билан ишлаб чиқаришнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ҳақида гап кўп бўлади-ю, амалда эса лоқайдликка йўл қўйилди. Айтайлик, олимлар халқ хўжалиги учун жуда зарур бўлган тадқиқотларни ҳал этсалар ҳам, унинг жорий қилиниши борасида жон куйдирмадилар, ишлаб чиқариш мутахассислари эса бу янгиликлар билан етарли қизиқмадилар. Оқибатда «шунчаки тузилган шартномалар» керакли ташкилотларга рўкач қилинаверди-ю, камчиликлар хаспўшлаб келинди.

Эндиликда бундай юзакичиликка қайта қуриш жараёнида жорий этилаётган молиявий янгича яшаш тарзи, яъни ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш системасига ўтиш барҳам беради. Буни ҳисобга олган ҳолда биз ҳам ишимизда бурилиш ясаяпмиз. Хўжаликлар, корхоналар билан ўрнатилаётган аниқ шартномалар, тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш, фан соҳасида эришган ютуқларимизни халқ хўжалигига жорий этиш йўлидаги ҳаракатларимиз фаолиятимиздаги нуқсонларни йўқотишга ёрдам беради, деб ҳисоблайман.

● БЎСТОНЛИҚ район марказий касалхонаси шифокорлари шу кунларда чорвадорлар ҳузурида тез-тез бўлиб, улар саломатлигини назорат қилмоқдалар. Суратда: кўчма флюрография рай-онидаги «Хўжакент» совхозининг 2-фермасида.

И. Портнов фотоси.

Юлиандан Григорианга

Ер юзида қандай календарлар мавжудлиги, уларнинг тарихи кўпчиликни қизиқтириши табиий. Шуни эътиборга олиб айни пайтда дунёда ишлатилаётган асосий календарлар ҳақида сўзлаб беришни физика-математика фанлари кандидати, астроном М. МАМАТАЗИМОВдан илтимос қилдик.

Календарлар қайси осмон жисмининг айланиш даври асос қилиб олинишига кўра ҳар хил бўлади. Агар ойнинг Ер атрофида айланиш даври (Қуёшга нисбатан) 29,5 сутка асос қилиб олинса, бундай йилнома Ой йилномаси, агар Қуёшнинг Ер атрофидаги кўринма ҳаракати (бу ҳаракат Ернинг Қуёш атрофидаги ҳаракати туфайли содир бўлади) асос қилиб олинса, бундай календарь Қуёш календари номи билан юритилади.

Ой календари — мусулмонлар ёки ҳижрий календарь ҳам дейилади. Ой календарида йилнинг узунлиги ўртача 355 сутка бўлиб, биз ишлатаётган календарникига мос келмайди. Унда йил фасллари ҳам маълум ойларга тўғри келмай, бир ойдан иккинчисига силжиб юради. Ҳижрий календарь йилидаги ойлар ҳар сафар янги ойнинг осмонда кўринниши билан бошланади.

КАЛЕНДАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

Эрамиздан олдин 46-йилда александриялик астроном Содиген маслаҳатига кўра Рим ҳукмрони Юлий Цезарь томонидан йилдаги 12 ой узунликлари тартиб билан ўзгартирилди (тоқ ойларни 31 кундан, жуфт ойларни 30 кундан қилиб). Фақат февруариус (февраль) 29 кун бўлиб қолди. Бундай календарь кейинчалик Юлий Цезарь шарафига Юлиан календари деб ном олди ва XVI асрга қадар «яшади».

1551 йилга келиб астроном Эразм Рейнгольд бир йилнинг узунлигини, яъни Қуёшнинг Ер атрофида бир марта тўла кўринма айланишининг (Ер Қуёш атрофида айланиши туфайли кўринадиган ҳаракат) даврини анча катта аниқлик билан топди. Маълум бўлишича, Юлиан календарининг йиллик хатоси 10 минутдан ортиқ экан.

Россияда то 1700 йилнинг 1 январига қадар йил ҳисоби афсонавий «Дунёнинг пайдо бўлиши»дан бошланган календарь бўйича олиб бориларди. Бу ҳисоб бўйича 1 сентябрда кирадиган янги йил охирги марта 1700 йилда кутиб олинди ва шу йилнинг 25 декабрида жарчилар подшо Пётр Інинг янги фармонини эълон қилдилар. Фармонга кўра янги йил 1 сентябрдан 1 январга кўчирилган эди.

Григориан календари (янги стил) Улуғ Октябрь революциясидан сўнг РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг декрети билан қабул қилинди. Декретда 1918 йил 31 январининг эртаси куни 1 февраль ўрнига 14 февраль эканлиги таъкидланди. Чунки XX асрга келиб Юлиан календарининг хатоси 13 кунга етган эди.

Шундай қилиб, янги — 1988 йилда мамлакатимизда Григориан календарининг қабул қилинганига 70 йил тўлади.

Хатлар «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» назоратида

ТЕКШИРИШЛАР, НАТИЖАЛАР, ЧОРАЛАР

«Оққўрғон» совхозида яшайман. Негадир бошқаларга кўпроқ, менга фақат 0,04 гектар томорқа учун ер ажратиб беришган. Бошқа жой сўрасам беришмаяпти. Оиламда фарзандларим кўп.

Х. УСМОНОВА,
Оққўрғон районидаги Ҳамза кўчаси, 118-уй.

Х. Усмонованинг шикоят аризаси бўйича область агросаноат комитети раисининг биринчи ўринбосари Р. Нурматовдан жавоб олинди. Унда хат бўйича область агросаноат комитетининг мутахассислари ва Оққўрғон район агросаноат бирлашмасининг ходимлари шикоятчининг ўзи иштирокида текшириш ўтказганлиги айтилади. Х. Усмонова хатида кўрсатганидек унинг 0,04 гектар ер участкаси ва шахсий уй-жойи бор. У ёшлигидан инвалид бўлиб қолганлиги учун совхозда ишламаган. Ҳозир нафақа олади. Уй-жой ва томорқаси бўлганлиги ҳисобга олиниб, унга участка учун ер ажратиб беришга ҳеч қандай асос йўқ деб топилди. Ҳозир у билан бирга катта ўғли ва келини яшайди. Ўғли совхозда ишламайди. Келини совхозда меҳнат қилади. У 1987 йили совхоз дирекциясига томорқа учун ер сўраб ариза берган. Аризаси белгиланган тартиб бўйича совхоз маъмурияти томонидан кўриб чиқилиб, лозим бўлса ер ажратиб берилади.

●

Умр йўлдошим Тошкент шаҳар «Зангори экран» бирлашмасида ишлайди. У билан ажрашганмиз. Бирлашма бухгалтерияси 1986 йилнинг декабрь ойи учун алимент пулини шу даврга негадир менга юбормаяпти.

Ф. АБДУРАҲМОНОВА,
Тошкент шаҳар, Форобий кўчаси, 3-уй.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг юстиция бўлими Ф. Абдураҳмонованинг аризаси бўйича текшириш ўтказди. Аниқланишича, 1986 йилнинг январь ойида «Зангори экран» бирлашмасининг бухгалтериясига алиментчининг ойлигидан 33 процентдан ушлаб қолиш учун ижро варақаси топширилган. 1986 йилнинг февраль ойидан бошлаб шикоятчи кўрсатган адрес бўйича унга пул жўнатила бошланган. Лекин, декабрь ойи учун ноябрда жўнатилган 51 сўм бухгалтерияга қайтариб юборилган. Сўнгра у 1986 йилнинг 5 декабрида 0964 номерли квитанция орқали шикоятчига жўнатилган. 1987 йилнинг ҳамма ойлари учун нафақа пулини Ф. Абдураҳмонова ўз вақтида олиб турган.

Текшириш якунига кўра Ф. Абдураҳмонованинг шикоят аризасида «Зангори экран» бирлашмаси бухгалтерияси адресига билдирган эътирози ноўрин бўлиб чиқди.

●

3-автобус паркида ишлаб, абонемент ва турли карточкалар сотар эдим. Ҳисоб-китобда менга 370 сўм қарз ёзишди. Уни амаллаб тўласам, яна 270 сўм қарзинг бор, дейишаяпти.

С. ҚОСИМОВ,
Тошкентдаги 3-автобус паркининг кассир-реализатори.

«Главташпассавтотранс» бошқармасининг бошлиғи ўринбосари вазифасини вақтинча бажарувчи Ш. Шоваҳобовнинг редакцияга хабар қилишича, С. Қосимовнинг шикоят аризаси бўйича текшириш ўтказилган. Текширишда реализатор Йўлдошхўжаева ҳужжатларни чалкаштириб юборганлиги учун унда етишмаган 100 сўм С. Қосимовга ўтган деб ҳисобланган. Бу пул унинг ҳисобидан чиқариб ташланди. 1986 йилнинг август ойидан 1987 йилнинг декабригача бўлган муддатда С. Қосимовда ҳеч қандай камомад бўлмаган, 1987 йилнинг 9 декабрида тузилган акт бўйича С. Қосимовда 96 сўм 50 тийинлик абонемент билетлари ва сотиш учун карточкалар бўлган, холос.

Семинар-кенгаш

ҲИСОБ-КИТОБ ПУХТА БЎЛСИН

Институтимизда бўлиб ўтган республика илмий-амалий семинар-кенгаши янгича хўжалик юритиш шароитида ҳисоб-китоб устидан назоратни кучайтириш ва хўжалик фаолиятини таҳлил қилиб бориш соҳасидаги вазифаларга бағишланди. Уни республика молия министрлиги ва Тошкент халқ хўжалиги институти ҳамкорликда ўтказди.

Семинар-кенгашни Ўзбекистон ССР молия министри И. Маматисаев кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг СССР Молия министрлиги бошқарма бошлиғи Н. В. Пантелеев, Тошкент халқ хўжалиги институти профессори С. Қодирхонов, республика молия министрининг биринчи ўринбосари В. В. Гусев, Тошкент халқ хўжалиги институти бухгалтерлик-ҳисоблаш ва анализ кафедраси мудири Ю. М. Иткиннинг докладлари тингланди.

Сўзга чиққан республика савдо министрлиги бош бухгалтери В. Г. Ефимков, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош бухгалтери А. Ф. Марченко, «Главмашхлопок» бирлашмаси бош бухгалтери Ю. Н. Журавлев ва бошқа ўртоқлар янгича шароитда молиявий интизомни янада мустаҳкамлаш, сарфиёт ва даромаднинг қай даражада мутаносиблигини таҳлил этиб бориш, ортиқча харажатларни кескин камайтириш зарурлигини таъкидладилар. Бунинг учун бухгалтерлик ҳисоб-китобини такомиллаштириш, назоратнинг тажрибада синалган усулларини кенг қўллаш, молия ҳодимлари малакасини ошира бориш талаб этилади.

Семинар-кенгашда тўла хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўзини ўзи қоплаш системасига ўтиб ишлаётган корхоналар фаолиятини назорат қилиш ишларини такомиллаштиришга қўмаклашувчи тавсиялар берилди.

А. ТУРАЕВ,
Тошкент халқ хўжалиги институти доценти.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР ●

СОВЕТ МУТАХАССИСЛАРИ ГРУППАСИ НЕВАДАГА КЕЛДИ

● САН-ФРАНЦИСКО, 25 январь. (ТАСС). Совет мутахассисларининг бир группаси Невада штатидаги Лас-Вегас шаҳрига келди, улар иккала мамлакат ўртасидаги битимга мувофиқ, Невада саҳросидаги ядро синови полигонига борадилар. Бу совет экспертларининг жавоб визитидир. Илгарироқ, шу ойнинг ўзида бир гуруҳ Америка мутахассислари Семипалатинск районидаги совет синов полигони билан танишган эдилар. Совет Иттифоқидан келган меҳмонларни АҚШ энергетика министрлигининг вакиллари кутиб олдилар.

Иккала томоннинг полигонларига танишув мақсадида сафар қилишдан кўзда тутилаётган мақсад — ядро синовларининг қуввати устидан самарали назорат тадбирларини ишлаб чиқиш учун биргаликдаги Совет — Америка эксперименти хусусида келишиб олишдан иборат, деди совет мутахассислари группасига бошчилик қилаётган ядро синовларини чеклаш ва пировардида тўхтатиш юзасидан ўтказилаётган кенг кўламли Совет — Америка музокараларидаги СССР делегациясининг раҳбари И. М. Палених. Семипалатинск районида бошланган ишни давом эттириб, сафар чоғида биз барча ядро синовларини чеклаш ва пировардида бундай синовларни тўхтатишнинг зарур восита ва йўлларини белгилаб оламиз, деган умиддамиз, деб таъкидлади у.



● ЭРОН ҳарбий кемаси Эрон кўрфазининг жанубий қисмида грек танкери «Уорлд продьюс» (суратда)га ракеталар билан ҳужум қилди. Ракеталардан учтаси тўғри бориб нишонга тегиши оқибатида улкан кемада ёнғин чиқди.

Рейтер — ТАСС телефотоси.

ЯРАШ ЖАРАЁНИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

КОБУЛ, 25 январь. (ТАСС). Биз Афғонистонга қарши ташвиқот йўлдан оздирган қардошларимизга Покистон ва Эрондан ўз она юртларига қайтиб келишларига ёрдам бериш учун бутун куч-ғайратимизни сарфлаймиз, деди БАХТАР агентлиги мухбири билан суҳбатда собиқ қочоқ Аваз Али.

Миллий яраш сиёсати эълон қилинганидан буён ўтган давр ичида Афғонистоннинг Бадгис вилоятида 500 киши уюшган 13 та қуролли гуруҳ маъмурларга таслим бўлди. Покистон ва Эрондан бу ерга 9 минг кишидан иборат 1470 қочоқ оиласи қайтиб келди. Ватандошлар уларга атаб 300 минг афғоний тўпладилар, бу пулга ҳар куни зарур бўладиган товарлар сотиб олинди.

Шу давр мобайнида вилоятдаги 18 та аҳоли пункти тинчлик зонаси, деб эълон қилинди. 165 та қишлоқда ҳокимиятнинг маҳаллий органларига сайлов ўтказилди, бу органларнинг 850 аъзоси, шу жумладан оппозициядаги гуруҳларнинг намояндалари ҳам сайланди. Президентнинг фармонига кўра, афви умумий эълон қилинганидан буён илгари давлатга қарши фаолияти учун ҳукм қилинган 120 маҳбус қамоқдан озод этилди.

ФАЛОКАТ

● ГААГА. Якшанба куни Голландиянинг «Влаардинген» танкери билан Бельгиянинг «Рапид ВИЭ», танкери тўқнашиб кетиши натижасида Шимолий денгизга қарийб 100 тонна нефть оқиб кетган. Нидерландия транспорт министрлиги бу ерда шуни маълум қилди.

Тўқнашув Бельгия — Голландия чегараси яқинида содир бўлган. Ҳар икки кема ҳам зарарланган, бироқ нефть корпуси тешилган Голландия танкеридан оқиб тушган. Фалокат районига денгиз сатҳини булғанишдан тозаловчи асбоб-ускуналар билан жиҳозланган махсус кемалар юборилган.

ЧИҚИНДИЛАР ҚАЁҚҚА КЕТМОҚДА?

Токио шаҳри атрофидаги уй бекаси Мидори Фукумото ҳар сешанба куни уйидан чиқиб, янги ахлат олиб кетилган жойни супуради. Пайшанба кунлари шу яқинда турувчи Мика Какегава худди шу ишни бажаради. «Баъзан, айниқса, қиш кезлари, уйдан чиққинг келмайди, — дейди Фукумото.— Лекин барибир шаҳарда тозаликни сақлашга ҳисса қўшиш навбати келганда ҳеч ким бош тортмайди».

Японларга хос жамият олдидаги масъулиятни ҳис этиш ғарбда тақлид қилишга арзийдиган намуна ҳисобланади. Бу гал гап чиқиндилар тўғрисида бормоқда, тўғрироғи, 121 миллион аҳолиси бўлган мамлакатда ахлатни йўқотиш проблемаси қандай ҳал қилинаётганлиги ҳақидадир. Агар бу муаммо ҳал этилмаганда японлар чиқиндилар остида қолиб кетган бўлардилар.

Кўпчилик шаҳарларда чиқиндиларни уч группага бўлиб қайта ишлашни йўлга қўйишган. Асосан қоғозлардан иборат ёнадиган чиқиндилар, ёнмайдиган (консерва банкаларни, шишалар ва ҳоказо) ва рўзғор техникаси, ҳамда заررли материаллар, масалан, ишқорли аккумуляторларга ўхшаш буюмлар алоҳида ажратилади.

Ахлат ташийдиган машиналар динамикларидан классик музика ёки болалар қўшиқлари оҳангларини таратиб йўлга чиқадилар. Митти юк ташиш машиналари ҳайдовчилари радио орқали келганликлари ҳақида аҳолига маълум қиладилар. Аҳоли улардан эски газета боғламларини туалет қоғозига алмаштириб олишлари мумкин. Бу ва бошқа тадбирлар японларда чиқиндиларнинг ярмига яқинини қайта ишлаш имконини беради. Қайта ишланиши мумкин бўлмаган чиқиндиларнинг учдан икки қисми ёқилади. Катта ҳажмли буюмлар одатда прессланади. Лекин Токиодан ғарброқдаги Мачид деган аҳоли пунктида инвалидларнинг артели ташланган буюмларни тузатиш билан шуғулланади.

(АПН).

СЎНГГИ СОАТДА

● ТУНИС. Босиб олинган араб территорияларидаги аҳволни муҳокама қилиш учун Ливиянинг ташаббуси билан чақирилган араб мамлакатлари уюшмасига аъзо давлатлар ташқи ишлар министрлари кенгашининг фавқулодда сессияси якшанба куни Тунис пойтахтида ниҳоясига етди.

Сессия қатнашчилари қабул қилинган резолюцияда Фаластин халқининг Фаластин озодлик ташкилоти раҳбарлигида ўз қонуний миллий ҳуқуқлари учун олиб бораётган адолатли курашини бир овоздан қўллаб-қувватладилар. Улар босқинчиларнинг жабр-зулми ва зўравонлигини, Тель-Авивнинг араб ерларидан фаластинликларни зўрлик билан ҳайдаб чиқариш сиёсатини, Исроил босиб олган территорияларда манзилгоҳлар қураётганлигини қораладилар.

Уюшмага аъзо давлатлар Фаластин халқига унинг курашида молиявий ёрдам кўрсатиш мажбуриятини ўз зиммаларига олдилар. Улар араб мамлакатларининг биргаликдаги ҳаракат планини ишлаб чиқиш ҳамда Яқин Шарқ масаласи юзасидан халқаро конференция чақириш мақсадида БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан алоқаларини амалга ошириш учун махсус комитет тузишга қарор бердилар.

Сессия қатнашчилари Хавфсизлик Кенгашига мурожаат қилиб, Исроилни араб территорияларини оккупация қилиб туришига, Фаластин аҳолисига нисбатан қирғинбарот сиёсатига чек қўйишга мажбур этувчи чоралар кўришга даъват қилдилар.

● ПАРИЖ. Французларнинг олтмиш проценти етакчи марказий газеталарни умуман ўқимайди ёки аҳён-аҳёнда ўқийди. «Пуэн» ҳафтаномаси ўзи ўтказган савол-жавоблар асосида ана шу маълумотларни келтиради. Вақтли нашрлар орасида телевизион ҳафтаномаларнинг мухлислари кўпроқ. Бошқа тадқиқотга мувофиқ, Францияда «Ля редут» товарлар каталоги ниҳоятда машҳур нашрдир. Ноширларнинг фикрича, кўплаб рекламалардан иборат бўлган каталогнинг яқинда чиқадиган сонини 12 миллиондан ортиқ француз ўқир эди.

Айрим маҳаллий социологларнинг фикрича, француз маданиятининг америкалаштирилиш жараёни ва етакчи оммавий ахборот органларига коммерциячасига ёндашувнинг устунлиги даврий адабиётларни ўқишга қизиқиш сусайганлигининг бевосита сабабидир.

(ТАСС, 25 январь).

● Сальвадор. Шаҳар кўчалари ва посёлкаларида қуролли солдатларнинг юриши одат тусига кириб қолди.

Пренса-Латина — ТАСС фотоси.

БОКС БЎЙИЧА СССР ЧЕМПИОНАТИ

МЕН СЕВГАН ТОШКЕНТ

Исразл АКОПКОХЯН,
халқаро классдаги спорт мастери, СССР ва Европа чемпиони.

Тошкент рингига иккинчи бор чиқишим. Дастлаб 1984 йилда СССР чемпионатида иштирок этгандим. Шу йили финал беллашувида асосий рақибим ҳисобланган Серик Қўноқбоевдан мағлубиятга учраб, чемпионатнинг кумуш медалига сазовор бўлдим. Бу йилги чемпионатдан умидим катта. Ўзим учун янги вазнда чемпионлик унвонини қўлга киритишга ҳаракат қиламан. Биз арманистонлик боксчилар ушбу мамлакат биринчилигига жиддий тайёргарлик кўрдик. Чунки бу мусобақалар Сеулда ўтказиладиган Олимпиада ўйинларида иштирок этувчи номзодларни аниқлаш босқичларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли ҳам барча боксчилар бор маҳоратларини намойиш этишга ҳаракат қилишади. Олтин медалга сазовор бўлиш учун бор кучларини сарф этишади. Мен ҳам ана шу вазифани ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман.

Умуман Тошкент менга ўзининг меҳмондўстлиги, бозорининг тўкин-сочинлиги билан жуда манзур бўлди.

КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

Навбатдаги саралаш мусобақаларида яна 50 нафар боксчи рингга кўтарилди. Ишқибозлар 51, 57, 71 ва 91 килограмм вазнли боксчиларнинг баҳсларини кузатдилар.

57 килограмм вазнли боксчилардан қибрайлик Собир Ксейхонов мухлисларни мамнун этди. У туркманистонлик Бекмурод Дурдиевдан мутлақ устунликка эришди, деса бўлади. Судьялар Собирнинг ҳаракатларини 5:0 ҳисобида баҳоладилар. Аммо мухлислар ишонган моҳир боксчимиз Ринат Тришев эса ютқазиб қўйди. У украиналик Виктор Акшоновнинг аниқ ва кучли зарбларига дош беролмади. 91 килограмм вазнли халқаро мастер Евгений Судаков (РСФСР) билан унинг командадоши Усмон Арсалиев чорак финалга йўлланма олишди.

51 килограмм вазнли боксчилардан молдавиялик Т. Скрябин, РСФСР командаси аъзоларидан А. Покеев, Ю. Арбачаков, А. Филиппов, арманистонлик Т. Сетракян, ленинградлик Г. Хонботировларнинг ютуқлари эътиборга лойиқ бўлди. Улар биринчи учрашувни ғалаба билан якунлаб, учрашувни давом эттирадиган бўлишди.

71 килограмм вазнли боксчилар иккинчи марта рингга кўтарилиб, чорак финални кўзладилар. Улар орасида РСФСР командаси аъзоси В. Рязанцев, В. Егоров, ҳамда А. Панин, арманистонлик М. Авитисян, И. Акопкохян, Б. Саградян, қозоғистонлик Е. Зайцевларнинг курашлари мухлислар олқишига сазовор бўлди. Бу боксчилар энди ярим финални мўлжаллаб рингга чиқадилар. Кеча эса ана шундай имкониятга эга бўлиш учун республикамиз вакилларидан Т. Исроилов, Х. Матчонов, С. Василенколар кураш олиб боришди.

● «ЮБИЛЕЙ» марказий спорт саройида ўтказилаётган бокс бўйича мамлакат 54-чемпионати қизғин паллага кирди. Кеча бу ерда чорак финал мусобақалари бошланди. Суратда: РСФСР терма командаси аъзолари В. Кирянов ҳамда Е. Судаков рингда.

А. Зуфаров фотоси.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СССР Алоқа министрлигининг
ТОШКЕНТ АЛОҚА ПОЛИТЕХНИКУМИ
6 ОЙЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

ҚЎШИМЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқишга 8- ва 11-синф маълумотига эга бўлган, шунингдек техникумга кириб ўқиш ҳоҳишини билдирган мактабларнинг 8 ва 10-синф ўқувчилари қабул қилинади.

Машғулотлар ҳафтада уч марта душанба, чоршанба ва жума кунлари соат 18.45 дан 20.00 гача математика, тил ва адабиёт фанларидан рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА, МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАРНИНГ КОМПЛЕКТЛАШУВИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Бутун таълим курси учун 30 сўм ҳақ тўланади.

Техникум телевизион техника ва радиореле алоқаси, район электр алоқаси ва радиолаштириш, автомат электр алоқаси, кўп каналли электр алоқаси, телеграф алоқаси ва маълумотларни узатиш, почта алоқаси, линия-кабель иншоотлари, бухгалтерия ҳисоб-китоби (фақат сиртқи бўлимда) ихтисослари бўйича мутахассислар тайёрлайди.

Адрес: 700128, Тошкент шаҳри, У. Юсупов кўчаси, 70-уй (10-троллейбус; 44, 48, 97, 18-автобусларнинг «Лабзак» бекати, 10, 23, 27-трамвайларнинг «Алоқа техникуми» бекатлари). Телефон 41-35-04.

МУДОФАА ОЙЛИГИ БОШЛАНДИ

Тошкентдаги Офицерлар уйида СССР Қуролли Кучлари ҳамда Қизил байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округининг 70 йиллигига бағишланган мудофаа-оммавий ишлар ойлигининг тантанали очилиши бўлиб ўтди.

Мажлисда Тошкент шаҳри ҳамда областидан партия, совет, комсомол ташкилотлари вакиллари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, собиқ интернационал жангчилар, ДОСААФ аъзолари, шунингдек, гарнизон ҳарбий қисми аъзолари иштирок этишди.

Офицерлар уйи олдида мажлис қатнашчилари автомобиль, мотоцикл, картинг, багги ва бошқа спорт техникаси қўйилган кўргазма билан танишдилар. Мутахассислар шу ернинг ўзида у ёки бу саволлар бўйича тушунтириш олиб бордилар. Офицерлар уйи фойесида эса кемамодель, авиамодель, ракетамодель ва бошқа техникалар кўргазмаси намойиш этилди.

Тантанали мажлисни ДОСААФ Тошкент область комитети раиси полковник Ю. И. Утенков очиб, Ватан мудофаа қудратини мустаҳкамлаш борасида ДОСААФ ташкилотларининг қўшаётган ҳиссаси тўғрисида сўзлаб берди. Шундан сўнг республика ҳарбий комиссариати сиёсий бўлими бошлиғи А. Я. Рубеко сўзга чиқиб, жамоат ташкилотларида армия ёшидаги ўсмирлар ўртасида олиб борилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтди. Мажлисда Улуғ Ватан уруши қатнашчилари И. Трошин, А. Хўжаев, собиқ интернационал жангчилардан В. Мирончук, В. И. Ленин номли ҳарбий билим юрти курсанти И. Гучек, СССР спорт мастери А. Сайфулина ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Йиғилишда республика меҳнаткашлари, жамият аъзолари, мудофаа жамияти фаолларига қарата мудофаа-оммавий ишлар ойлигини намунали ўтказиш ҳақида Мурожаат қабул қилинди.

●

ЎҚИТУВЧИЛИК КАСБИГА МЕҲР

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институтида студентлар ўқув-илмий педагогик бирлашмаси ташкил этилди. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад ёшларда ўқитувчиликка майлни ўстиришга қаратилган.

Ана шу касбга иштиёқи бўлган талабалар билан махсус машғулотлар олиб борилади. Айни бир вақтда умумий таълим мактаблари билан яқин алоқалар боғлаш тадбирлари ҳам белгиланди. Олий ўқув юртининг бу ибратли фаолияти яқинда Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги коллегия йиғилишида кўриб чиқилди ҳамда маъқулланди.

С. ОДИЛОВА.

● *Биз—интернационалистлармиз*

БАХТИНИ КЎРИБ ҲАВАС ҚИЛАСАН

Мени қутлиг ва мен қайтарман,
Улямларни қолдириб доғда,
Иши ўнгидан кепди,
десинлар
Қутилмаган мени у чоғда.

К. СИМОНОВ.

Йигит киши маҳалла учун туғилмайди, унинг елкасида эзу-юртнинг тоғ-тоғ ишлари ётади. Зеро кишининг туғилган юрти унинг кучқуввати ҳисобланади. Ҳамза ёшлигиданоқ ана шу эътиқод билан ўсди. У Оҳангарондаги 14-ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлаганида ҳам, 1984 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг мева-сабзавотчилик факультетининг биринчи курсига муваффақиятли қабул қилинганида ҳам шу эътиқодни тарк этмади.

Одамларни одатда йилларнинг ўтиши эмас, юртнинг урф-одатлари улғайтиради. Ҳамза Сулаймонов ҳам юртимизнинг истиқболли, илғор урф-одатлари етагида вояга етди, йигитлик бурчини ўташ учун Афғонистонга жўнаб кетар экан, у буюк интернационалистлар ватани бўлган Советлар мамлакатининг ўғлони эканлигини ғурур ва фахр билан, қалбдан ҳис қилар эди.

Ҳамза Афғонистонга у ердаги чекланган қўшинларимиз сафидаги халоқ совет жангчиси сифатида қадам қўйди. Бу қўшни мамлакатдаги ҳозирги аҳвол ҳаммага маълум: камбағал нон деб бош кўтарса, босмачи қон деб тош кўтараяпти. Ҳамза бу ерда ёлғиз эмасди. Оққўрғонлик Б. Сайдаев, Навоий шаҳридан Таваккал Саноев, пермлик Александр Каменев, Донецкдан Анатолий Сидоров, Нукусдан Сайдулла Раимқулов...

Мактабда ўқиб юрганидаёқ ҳарбий-ватанпарварлик илмини пухта ўрганган Ҳамза ҳақиқий жангда ҳам ўз дўстларига доим ўрнак бўлди, буни Ҳамза Сулаймонова берилган барча раҳматномалар, «Фахрий ёрлиқ»лар, ташаккурномалар ва бошқа ҳужжатлар тасдиқлайди.

Тун, шамол увиллайди... Хўроз бир қичқирганда босмачиларнинг одатдаги «ташрифлари» маълум бўлди: объект ёнмоқда. Жангчилар тезда зарур чораларни кўрдилар. Қўпорувчиларнинг бир гуруҳи совет жангчиларига қарата ўқ уздилар. Аммо душман ўқи жавобсиз қолмади. Ер тишлаб қолган ўн икки босмачининг танасида Ҳамза узган ўқларнинг излари бор эди.

Кунлар шу йўсинда ўтар 11 июнь оқшомида босмачилар яна бир ноҳуш ишни бошладилар: тўсатдан аввал қаттиқ отишма, сўнгра эса кучли ёнғин бошланди. Ҳамза Сулаймонов бўлинмаси душманни тезда йўқ қилиш тўғрисида жанговар топшириқ олди. Вазифа анча жиддий, вақт эса кутиб турмас эди. Бўлинма жанговар топшириқни бажаришга шиддат билан киришди. Мазкур олишувда жангчи Б. Сайдаев катта жасорат кўрсатиб бир йўла тўрт душманни жаҳаннамга улоқтирди. А. Сидоровнинг қуролидан узилган ўқлар эса икки босмачини ҳаёт билан видолаштирди. Ҳ. Сулаймонов бўлинмани моҳирлик билан бошқараркан, бир душманни аниқ нишонга олди, уни тинчитгач, иккинчисини қувиб етиб, қўл кўтаришга мажбур қилди, учинчи душманни эса қатиқ ярадор қилди. Энди тўртинчи босмачини таъқиб остига олганда, тўсатдан кучли портлаш юз берди. У беҳуш йиқилди...

Ўзига келганида Ҳамза она-ватанида — касалхонада ётар эди. Кўзини очибоқ дўстларини сўради, унга душманнинг саккиз нафари асир олиниб, қанчадан-қанча қуроллари ўлжа қилинганини, аммо бу жангда Эркин Боймуродов билан Сергей Вдовиннинг мардларча ҳалок бўлганини, олти киши яраланганини айтиб бердилар...

— Ярадор бўлганингизга ачиняпсизми? — дея сўрайман Ҳамзадан.

— Мен, — дейди у — интернационалист солдат эдим. Бурчимни бажардим. Кўшни мамлакатнинг ёркин келажаги учун жангларда қон тўкдим. Бундан фахрланаман. Бирор муқаддас иш учун курашган инсонгина ўзини чинакам бахтли дея ҳисоблаши мумкин.

Кеча яна Ҳамзани кўрдим. У фақат ўнг қўли билан «Жигули»сини елдириб келарди. Сафари сабабини сўраганимда, ўқишни давом эттириш учун Тошкентга кетаётганини айтди. Унинг ортидан ҳавас билан қараб қолдим.

М. ҚАЮМОВ.

● МАДАНИЯТ УЙЛАРИДА ●

«ФАН» ҲАМИША ГАВЖУМ

Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтининг маданият уйи фаолияти қайта тикланмоқда.

Бундан ярим йилча олдин бу маданият муассасасининг аҳволи анча ночор эди. Янгийўл райони миқёсида ўтказиладиган баъзи йиғилишларни ҳисобга олмаганда 420 ўринли клуб, бир неча хоналар деярли бўм-бўш турарди. Институт коллективининг мажлисларидан бирида маданият уйи ишини жонлантириш зарурлиги қайта қуриш борасида амалга оширилиши керак бўлган энг йирик тадбирлардан бири сифатида тилга олинди.

— Кўпчиликнинг таклифи эътиборсиз қолмади, — дейди институт директори Абдумуталиб Хожиевич Ҳожиев, — янги директор келгач қисқа муддат ичида анчагина ўзгаришларга эришилди. Ходимларнинг дам олишларини ташкил этиш, улар оилаларининг бўш вақтларидан самарали фойдаланишлари йўлида қатор қулайликлар яратилди.

Биз яқиндагина институт касаба союз комитетининг раиси қилиб сайланган Муҳиддин Раҳмонов, «Фан» маданият уйи директори Эдуард Эдуардович Матус билан кейинги вақтларда фақат САИМЭда ишлаётган ходимларгина эмас, балки 2-Гулбаҳор посёлкаси аҳолиси ҳам кўнгилли хордиқ чиқараётган масканни айланар эканмиз, бу ерда ҳамма нарса бугунги давр талабларига мос равишда тарзда йўлга қўйилаётганига ишонч ҳосил қилдик.

Илгари маданият уйи фойеси бўм-бўш, томошабин диққатини тортадиган бironта стенд ҳам йўқ эди. Эндиликда бу ерни кўриб ҳавас қиласиз. Институт тажриба заводи ишчиларининг XII беш йилликдаги режаларига, бу илмий даргоҳда фаолият кўрсатаётган Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, меҳнат ветеранларига, ёшларга бағишланган чиройли, сермазмун стендлар ташкил этилди.

Одамларга бўлган эътибор ва ўтказиладиган тадбирларнинг аниқ план асосида олиб борилиши туфайли маданият уйи ҳамиша гавжум бўлиб қолди. «Фан» мухлислари ҳузурига таниқли киноартистлар, санъатқорларни таклиф этиш ҳам анъанага айланди. Ўтган йилнинг иккинчи ярмида маданият уйида мамлакатимизнинг машҳур спорт шарҳловчиси Николай Озеров, киноактриса Людмила Иванова билан мароқли учрашувлар бўлиб ўтди. Шу ҳафтанинг бошида эса «Иван Васильевич касбини ўзгартирмоқда», «Висол сари ташланган қадам» ва бошқа фильмлар орқали кинотомошабинларга танилиб қолган актриса Наталья Крачковская гулбаҳорликлар олдида ижодий ҳисобот берди.

Маданият уйида тўгаракларнинг сони кўпайиб 13 тадан 24 тага етди. Яқиндагина очилган ёш сартарошлар, «Рябинушка» деб номланган хор тўгараклари, қўғирчоқ театри, катталар ва болалар учун вокаль чолғу асбоблари, рақс ансамбллари, «Орфей» дискоклуби, овоз ёзиш студияси ва «Кино-фото» ҳаваскорлик бирлашмаси ишлари ҳам изга тушиб кетди. Бичувчилик-тикувчилик тўгаракларига аъзолари сафи айниқса ортиб бормоқда. Шуни ҳисобга олиб тикувчилик ва бадиий каштачилик группалари сони яна кўпайтирилади.

Бадиий ҳавоскорлар концертлари бевосита пахта далаларида, корхоналарда намойиш этилди. Янги йил арафасида эса Э. Э. Матус тайёрлаган сценарий асосида маданият уйи ҳаваскорлари «Сен ҳақингда куйлаймиз, арчажон» композициясини кўрсатишди. Бу ерда пенсияга кузатиш, бир пиёла чой устида суҳбатлар, уч аъзолод вакилларининг учрашувига бағишланган кечалар ҳам файзли ўтмоқда.

— Албатта, институтимиз маъмурияти, область, район касаба союзлари раҳбарлари бизга ёрдам қўлларини чўзмаганларида бунча ишни қилиш қийин эди,— дейди Эдуард Эдуардович.— Улар биргаликда ажратган 14 минг сўмга яқин маблағ туфайли моддий базамизни анчагина тиклаб олдик. Қатор ансамбллар аъзоларига концерт либослари тайёрланди. Зарур анжомлар сотиб олиндик. Аммо ички резервимиздан кўпроқ фойдаланаётганлигимизни ҳам айтиб ўтмоқчиман. Хусусан, стендлар рамкаларини ўзимиз чиқиндиҳ маҳсулотлардан тайёрладик. Ёки жой масаласини олайлик. 350 киши жалб қилинган тўгаракларга хоналар топиб бериш мушкуллиги ҳеч кимга сир эмас. Бунинг учун катта зиналар тагидан ҳужралар ажратдик. Кенг хоналарни тўсдик. Фойедан эса дискоклуб сифатида фойдаланмоқдамиз. Ана шу хоналарни ҳеч қандай сарфиётсиз ўз ижодкорликлари билан безаган инженер Ҳусниддин Нишонбоев, Георгий Аветисян каби ёш мутахассислар, маданият уйи кўркига кўрк қўшишда меҳнатларини аямаётган Меливой Маҳкамов, Мусахон Мирсаидов, Юсуф Шабилов, Эрнест Абилов, Гулшара Абдураҳмонова ва бошқа бадиий раҳбарларни алоҳида қайд қилмоқчиман.

Маданият уйи коллективининг режалари ҳам катта. Яқинда бу ерда бир қатор спорт секциялари, қизиқувчилар клублари очилади. Айрим тўгаракларни тўловли қилиш орқали бу муассаса ўз-ўзини маблағ билан тўла таъминлайдиган бўлади.

С. ҲАСАНОВ.

● Суратларда: Маданият уйи бадиий ҳаваскорлари (юқорида) ижросида концерт пайти; бу муассасада фақат ёшлар эмас, пенсияга кузатилаётган кексалар ҳам мириқиб ҳордиқ чиқармоқдалар.

Г. Оветисян фотолари.

КИНОҲАВАСКОРЛАР КЛУБИ

Тошкент билимлар уйида «Киноҳаваскор» клуб — кинотеатри иш бошлади. Бу ерда авиасозлар маданият ва техника саройи «Сириус» халқ кино студияси томонидан суратга олинган фильмлар намойиш этилди.

—Биз ҳаваскорлик коллективлари катта экранга чиқишлари учун ҳаракат қилдик. Ҳозир республикамизда 200 га яқин шундай ҳаваскорлик коллективлари ижодий изланмоқдалар, — дейди клуб раиси, кинорежиссёр Б. А. Хўжаев. — Турли касб эгаларини бирлаштирган ҳаваскорлик студиялари ўз асарларида меҳнат коллективлари ҳаёти, ишлаб чиқариш илғорлари ҳақида ҳикоя қиладилар, қайта қуришнинг долзарб масалаларини кўтарадилар, социал-иқтисодий муаммоларга мурожаат этадилар. Бундан ташқари, бир қанча коллективлар фестивалларда, ҳаваскорлик санъати кўрикларида қатнашиб, ҳозирдаёқ халқаро, бутуниттифоқ, республика қонкурсларининг дипломларини олдилар. Чунончи, Чехословакиянинг Брно шаҳрида ўтказилган кўрикда «Сириус» киностудиясининг «Қиёмат куни» деган қисқа метражли бадиий фильми олтин медалга сазовор бўлди.

«Киноҳаваскор» клуби маҳорат ва тажриба алмашув мактаби бўлиб қолиши керак.

(ЎзТАГ мухбири).

БИЛДИРИШ

«ТОШКЕНТ ҳақиқати» редакцияси ҳузуридаги ишчи мухбирлар университетининг навбатдаги машғулоти 28 январь куни кеч соат 18.00 да бўлади.

Редактор ўринбосари С. Ғ. МУСАЕВ.

БУЛУТЛАР ОҒУШИДА...

Қушлар парвоз этувчи баландликдан сиз шаҳар манзарасини томоша қилишингиз, йўл бошловчининг Тошкент ва телеминора қурилиши ҳақидаги қизиқарли ҳикоясини тинглашингиз мумкин.

Ресторандаги стол атрофида ўтириб, бир соат мобайнида бутун шаҳарни кўздан кечириб чиқасиз. Ана шу бир соат ичида телеминора ўз ўқи атрофида бир марта айланиб чиқади.

Ресторанда ҳар бир сеанс 1 соат 45 минут давом этади, ресторанга кирилмайдиган экскурсия 45 минут давом этади.

Минорага зиёратчилар соат 13 дан бошлаб ҳар икки соатда қўйилади.

Билет баҳоси (ресторанга кириш ва экскурсия нархи) — 8 сўм.

Ресторан соат 13.00 дан 21.00 гача ишлайди.

Телеминорага ташриф буюришни истовчилар билетларни чакана равишда ёки муассасалар, корхоналар, ташкилотларнинг дастлабки буюртмалари бўйича телеминора кассаларидан олишлари мумкин.

Билет сотиб олиш учун ёнингизда паспорт ёки ҳарбий билетингиз бўлиши керак.

ТОШКЕНТ РЕСТОРАНЛАР ТРЕСТИ (телефонлар: 35-32-15, 35-02-22).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

ДИҚҚАТ!

«ТАШОБЛФОТО» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

ёдгорликлар учун сирланган буюмларга фотолар ишлаб бериш юзасидан

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ АҲОЛИСИДАН

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Буюртмалар Тошкент областидаги барча фото салонлар томонидан қабул қилинади.

Буюртмаларнинг қиймати:
оқ-қора тасвирдаги фотолар — 11 сўм 14 тийин;
рангли тасвирдаги фото — 14 сўм 44 тийин.
Буюртмаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишига кафолат берилади.

Буюртмаларни қуйидаги адресга юборинг:

Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти Тошкент область Совети жамиятининг собиқ ходими

Ҳамид БОЗОРБОЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/I да Курорт.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28/I да Ёшликда берган кўнгил.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
(«Ташкентская правда»)
Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов

Издается на узбекском языке

Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32

Р. 08503 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64684. А. 1532. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12